

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

С. Б. ХЎЖАҚУЛОВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА  
ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК  
ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ  
ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ

*Ўқув қўлланма*

Тошкент – 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*  
*Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

*Масъул муҳаррир*  
юримдик фанлар доктори, доцент **Ў. Ҳ. Мухамедов**

*Тақризчилар:*

ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси  
бўлим бошлиғи, полковник **И. И. Химматов;**

Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш  
бошқармаси бошлиғи, подполковник **Д. Акрамов;**  
юримдик фанлар доктори, профессор **И. Исмаилов;**  
юримдик фанлар номзоди, доцент **Ж. С. Мухторов**

**Х – 89 Хўжакулов С.Б.**

**Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг жисмоний ва юримдик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолияти:** Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 120 б.

Ушбу кўлланма ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан кўриб чиқиладиган жисмоний ва юримдик шахслар мурожаатларининг мазмуни, тури ва шакллари, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва процессуал тартибни, хусусан, ҳуқуқбузарликлар (маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят)га оид мурожаатларни кўриб чиқишга доир қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларини ёритишга бағишланган бўлиб, «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти» фанини кўшимча ўрганиш мақсадида тайёрланди.

Кўлланма юримдик олий таълим муассасаларининг тингловчи ва талабалари, тадқиқотчилар, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)8я73**

© С.Б. Хўжакулов, 2016  
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

*Демократик жамиятда фуқароларнинг ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолиши керак эмас.*

*Ислом Каримов*

## **СЎЗ БОШИ**

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча ютуқларга эришиб келинмоқда. Ана шундай ютуқлардан бири – фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиши билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишидир.

Бу борада, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қатъий ва устувор қоидалар белгилаб берилди. Сўнгра ушбу қоидаларга асосланиб 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилди. Сал кам ўн йил амалда бўлган мазкур қонунда муайян камчилик ва зиддиятларнинг мавжудлиги, шунингдек кучли фуқаролик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлатимизда олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар қонунни 2002 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этди.

Янги таҳрирда қабул қилинган мазкур қонунни тўлиқ ижрога йўналтириш мақсадида 2003 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ идоралари, ўқув юртлилари, ички ва қоровул кўшинлари, муассасалари, ташкилотларида фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг таклифлари, аризалари ҳамда шикоятларини кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди.

Фан-техниканинг ривожланиши, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти имкониятларининг тобора кенгайиши мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни янги бир босқичга кўтариш заруратини кун тартибига қўйди. Чунки энди мурожаат қилувчи нафақат фуқаро ва хаттоки, жисмоний шахс, балки юридик шахс ҳам бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Натижада 2014 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон

Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва унда Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мурожаатлар жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан берилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, янги қонунда, аввалгисидан фаркли ўлароқ, мурожаат этиш шакли оғзаки ва ёзма бўлиши билан бирга, электрон шаклда ҳам бўлиши мумкинлиги, шунингдек электрон мурожаатларга қўйиладиган талаблар ҳамда улар билан ишлаш тартиби ўз ифодасини топди. Бироқ, янги қабул қилинган, қолаверса, ундан олдинги қонунлар ҳамда улар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатларда ҳам назарда тутилган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жинойт-процессуал, жинойт-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, шунингдек давлат органлари ҳамда улардаги таркибий бўлинмаларнинг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслигига ўхшаш мазмундаги чекловларни кузатиш мумкин.

Аmmo бу қоида ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса, тизимнинг фуқаролар билан бевосита узлуксиз мулоқотда бўлувчи профилактика хизмати ходимларини мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида айрим тушунмовчиликлар кузатилиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Чунки профилактика инспекторлари мурожаат шакли ва мазмунига эга бўлган жинойт ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарларни ҳам бевосита кўриб чиқади ёки бу жараёнда иштирок этади. Шу боис мазкур ўқув қўлланмада ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан кўриб чиқиладиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини комплекс тарзда ўрганишга, айниқса, ушбу хизматнинг, хусусан, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жинойтга оид мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятини атрофлича ёритишга ҳаракат қилинди. Қўлланмада профилактика хизматларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жинойтга оид ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятининг ёритилиши фақатгина мурожаат билан алоқадорлиги учун эмас, балки айни пайтда профилактика хизматларининг ушбу фаолият йўналишида мавжуд бўлган тушунмовчиликлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда унга йўл қўймаслик мақсадини ҳам кўзлайди.

Бундан ташқари, Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган «Асосий вазифамиз – жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» мавзусидаги маърузасида «..., жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фуқароларимиздан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари устидан келиб тушган 500 га яқин шикоятнинг бештадан биттаси ички ишлар органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига тегишлидир.

Одамлар нима ҳақида ариза ёзмокда? Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмокдаки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний қарорлар қабул қилаётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари кўпол муомалада бўлаётганидан, аҳоли мурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилмаётганидан шикоят қилмокда»<sup>1</sup>, деган фикрлари ушбу қўлланманинг аҳамиятини янада оширади.

Мазкур қўлланма тингловчи ва курсантларда ушбу мавзуга доир билим ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек профилактика инспекторларида амалий иш фаолиятларида фойдаланишлари учун хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> *Каримов И. А.* Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза (2015 йил 6 декабрь) // POSTDA. – Т., 2015. – № 49. –Б. 1–4.

# **I. ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

## **1.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тушунчаси, турлари, уларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби**

Мустақилликка эришган Ўзбекистонда «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш» пировард мақсад қилиб белгилаб олинди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг асосий мезонига айланиб улгурди.

Бош қомусимизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб белгилаб қўйилди. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ҳар қандай демократик давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Айнан шу нуқтаи назардан Конституциямизда «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақли. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт»лиги (35-модда) ҳамда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланганлиги» (44-модда) сингари қоидалар белгилаб қўйилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиши ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрь куни қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари билан бирга, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслари ҳам Ўзбекистон

Республикаси давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатиб ўтилган.

Қонунда қайд этилишича, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинадиган мурожаатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- оғзаки шаклда;
- ёзма шаклда;
- электрон шаклда.

*Оғзаки шаклдаги мурожаатлар*, одатда, шахс томонидан юзма-юз ёки телефон орқали қилиниб, мурожаатнинг мазмуни ички ишлар идораларида юритиладиган махсус китобларда (масалан, МТПда юритиладиган «Фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш» китобида) ёки оғзаки мурожаатни қабул қилиш баённомаси каби ҳужжатларда қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи VI бобининг 51-бандига асосан ҳар бир МТПда профилактика (катта) инспектори томонидан «Фуқароларни қабул қилиш китоби» юритилади. Мурожаат қилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар (мурожаат қилинган сана, мурожаат қилган фуқаронинг фамилия, исми, шарифи, яшаш манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни ва кўрилган чора-тадбирлар) ушбу китобда қайд этиб борилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

Оғзаки мурожаат билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органларининг бошлиқлари ёки улар томонидан белгиланган бошқа масъул ходимлар, шунингдек

ички ишлар органларининг таркибий бўлинмалари (бундан буён матнда таркибий бўлинма деб юритилади) бошлиқлари томонидан қабул қилинади.

Қабулга келган мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилиши шарт, шундан сўнггина Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш карточкаси тўлдирилади. Тўлдирилган ҳар бир карточка оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органларига оғзаки мурожаат этганларида улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва тўлдирилган Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш карточкасига илова қилиниши талаб этилади.

*Ёзма шаклдаги мурожаатлар* эса аризаларда ўз ифодасини топади. Маълумки, қонунда бир-бирига ўхшаш бўлган «арз», «ариза», «оғзаки ариза баённомаси» каби атамалар учрайди. Шу ўринда ойдинлик киритадиган бўлсак, «арз» фуқаро мурожаатининг мазмунини акс эттирса, «ариза» эса мазкур мурожаат қайд этилган процессуал ҳужжатни ифодалайди.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Амалиётда кўпгина ҳолатларда ёзма шаклдаги мурожаатлар ариза тарзида амалга оширилади. Бироқ, ҳар доим ҳам мурожаат ариза шаклида бўлавермайди. Қонунда давлат органларига оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан ҳам мурожаатлар келиб тушиши назарда тутилган бўлиб, ушбу мурожаатларни ҳам белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 322-моддасининг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида эса корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ёки оммавий ахборот воситалари берган хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Демак, мурожаат «хабар» мазмунида ҳам бўлиши мумкин.



*Электрон мурожаат* электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Мурожаатни электрон мурожаат тарзида қайд этиш учун у Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Хукумат портали) ёки расмий веб-сайт орқали ёхуд расмий электрон почта манзилига келиб тушган бўлиши талаб этилади.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат *аноним мурожаат* ҳисобланади ва бундай мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси – *мурожаатнинг дубликати* дейилади. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича битта жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда ички ишлар органи мурожаат қилувчини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

Аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат – *такрорий мурожаат* ҳисобланади.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлашда ходимнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан алоқа воситаси орқали қилган оғзаки мурожаати – *«ишонч телефони» орқали мурожаат* сифатида эътироф этилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча

ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли ички ишлар органи раҳбари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Айрим ҳолларда ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришлари ҳам мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар ички ишлар органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Профилактика (катта) инспектори томонидан жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни ҳал этиш учун махсус текширув ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда (*Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 329-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда*) ариза ёки хабарни кўриб чиқиш муддатини узайтиришни сўраб прокурорга мурожаат қилинади, кўриб чиқиш муддати узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят қилган шахсга хабар қилинади.

Ички ишлар органларига келиб тушган хатлар котибиятда ўша куннинг ўзида қайд қилиниши шарт. Хатнинг 1-бетига, матндан бўш қолган жойга ички ишлар органининг тўртбурчак муҳри босилади, хат келган кун ва қайд қилинган тартиб рақами ёзиб қўйилади.

Келиб тушган ва қайд қилинган хатлар қидириш, таҳлил этиш ва сақлашни таъминловчи бошқа белгилар билан тўлдирилиши мумкин. Масалан, хат муаллифи Абдуллаев А. бўлса, (а-25), соҳавий хизматнинг мос рақами (1/А-25).

Мурожаатлар ички ишлар органларининг автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланув дастурида ҳам рўйхатга олиниши мумкин.

Мурожаатларни қайд этиш дафтарида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган ички ишлар органи таркибий бўлинмаси номи, сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Агар мурожаат, мурожаат этувчининг ишончли вакили томонидан тақдим этилса, рўйхатда мурожаат этувчининг мурожаати ва ишончли вакилнинг мурожаати алоҳида киритилади.

Мурожаатнинг қабул қилинганлиги қайд этиш штамп билан тасдиқланади. Ушбу штампда ички ишлар органларининг расмий номи (агар ички ишлар органларининг расмий номи узун бўлса умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин (масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси – Ўз. Рес. ИИВ Академияси), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади. Мурожаатларга бериладиган тартиб рақамлари йил бошидан янгидан ҳисобланади.

Мурожаатлар почта орқали ҳам берилиши мумкин, бу ҳолатда почта орқали келиб тушган конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлигини синчиклаб текшириш талаб этилади. Агар конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланса, унда икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Почта орқали келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари, келажакда мурожаат этувчининг манзилени, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун алоҳида сақлаб қўйилиши ҳам мумкин.

Бошқа орган ёки хизматга тегишли мурожаат адашиб келиб тушган ҳолатларда мурожаатни олган орган бирга келган конвертни илова қилган ҳолда, уни янги конвертда тегишлилиги бўйича жўнатади ёки мурожаат этувчига қайтаради.

Ички ишлар бўлими котибияти ва канцеляриялари ёки масъул ходимларига (бундан буён матнда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма деб юритилади) почта, телеграф, қўлда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида цензура текширишлари орқали олинган,

келиб тушган хатлар кириш китобига белгиланган тартибда қайддан ўтказилади.

Рўйхатга олинган мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ички ишлар органи раҳбарига, унинг ўринбосарига ёки таркибий бўлинма раҳбарига киритилади. Мазкур раҳбар масъул таркибий бўлинма (ходим)ни белгилаб, мурожаатни кўриб чиқиш учун резолюция (топширикномани) қўяди.

Резолюция (топширикнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий хизмат (ходим)га имзо қўйдирган ҳолда беради.

Келиб тушган мурожаат ички ишлар органининг иш юритувига қабул қилинади, бўйсунуш тартибида ички ишлар органининг қўйи бўлинмасига ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилади. Бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши шарт.

Мурожаатларни назоратга олиш ишлари Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш карточкаси орқали амалга оширилади. Назоратга олинган ҳар қандай мурожаат мазкур мурожаатни назоратга олган раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан ёки ижродан олинади. Мурожаатни кўриб чиққан ходимнинг мурожаатга алоқадор ҳолатни атрофлича ўрганиб қилган асосли хулосаси ёки қарори, шунингдек бу ҳақда маълумот берувчи билдиргиси ёки маълумотномаси уни назоратдан ёки ижродан олиш учун асос бўлади.

Юқори турувчи ички ишлар органи назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиққан орган ушбу юқори турувчи органга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ахборотни ёзма шаклда беради ва унга мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхаси илова қилинади.

Умуман олганда, беш кундан кеч бўлмаган муддат ичида ҳар бир хат бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши керак:

- 1) текшириш ўтказиш учун ўзида қолдириш;
- 2) ҳал этиш учун ўзига бўйсунадиган ёки бошқа ички ишлар органига юбориш;
- 3) агар хатда кўрсатилган масалалар ички ишлар идоралари ваколатига кирмайдиган бўлса, унда уни тегишлилиги бўйича бошқа идорага жўнатиш;
- 4) аввал келган хатга қўшиб қўйиш;

5) хат бошқа ички ишлар идорасига ёки умуман бошқа идорага юборилганлиги ҳақида аризачига маълум қилиш.

Ички ишлар органларига келган такрорий хатлар ҳам биринчиси каби қайд қилинади, журналда «такрорий» деган белги қўйилади. Хатнинг биринчи бетидаги очиқ жойига «такрорий» деган штамп босилади, илгари қаерга юборилгани ёзиб қўйилади.

*Айнан бир шахс томонидан айна бир масала юзасидан келган хатларда:*

– ушбу ички ишлар идорасига юборилган аввалги хат бўйича чиқарилган қарордан шикоят қилинса;

– агар хатда аввалги хат келиб тушгандан сўнг қонунда белгиланган кўриб чиқиш муддати ўтиб кетган ва у ўз вақтида ҳал этилмаганлиги ҳақида хабар қилинса;

– аввалги хатни кўриб чиқиш ва ҳал этишда йўл қўйилган бошқа камчиликлар кўрсатилган бўлса, бу ҳолатлар *такрорий* ҳисобланади.

Гарчи, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда қайд этилган кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги қатъий белгиланган бўлса-да, бироқ мазкур қонун ҳужжатларида белгиланган мурожаатлар ҳам шаклан мурожаат сифатида эътироф этилади. Бироқ, бу мурожаатлар мазмунига кўра алоҳидалик, индивидуаллик (ўзига хослик) касб этади. Шулардан энг аҳамиятлиси жиноят ҳақидаги мурожаатлардир.

Кўриниб турибдики, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва қайд этиш белгиланган тартиб ва қоидаларга асосланиб амалга оширилади. Мазкур тартиб ва қоидаларнинг мазмунини ёритиш учун мурожаатни тур ва шаклларга бўлиш, қолаверса, таснифлаш катта аҳамият касб этади.

Бинобарин, таснифлаш белгиланган объектнинг ўзига хос хусусиятлари ёки маълум бир мезонлар асосида амалга оширилиб, объектни, шунингдек унинг таркибидаги элементларни кенгроқ ва имкон қадар батафсилроқ ўрганиш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари томонидан қабул қилинадиган, қайд этиладиган ва кўриб чиқиладиган мурожаатларни ҳам мазмунан шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

– жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатлар;

- ҳуқуқбузарлик аломатига эга бўлмаган ижтимоий муносабатлар ҳамда маиший турмуш соҳаси билан боғлиқ муурожаатлар;
- бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш юзасидан қилинадиган муурожаатлар;
- давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муурожаатлар;
- ички ишлар органларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи (электрон) сўров (муурожаат)лар.

Юқорида кўрсатилганлардан жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги муурожаатлар ариза ва бошқа хабарлар шаклида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бир қатор буйруқларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Ушбу буйруқларда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳам бу борада айрим камчиликларни учратиш мумкин. Масалан, уларда бир-бирига ўхшаш бўлган «арз», «ариза», «оғзаки ариза баённомаси» каби атаmalar ўз ифодасини топган. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунида аризага берилган таърифнинг мазмунидан келиб чиқиб, жиноят ҳақидаги аризага қуйидагича таъриф бериш мумкин:

***Жиноят ҳақидаги ариза*** – фуқароларнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган ёзма шаклдаги муурожаати (арзи).

Ушбу ҳолатда «арз» тушунчаси фуқаро муурожаатининг мазмунини акс эттирса, «ариза» мазкур муурожаат қайд этилган процессуал ҳужжатни ифодалайди.

Фуқаролар ички ишлар органларига жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги арзларини оғзаки шаклда ҳам беришлари мумкин, у «оғзаки арзни қабул қилиш баённомаси»да қайд этилади (ЖПКнинг 324-м.). Ариза ва оғзаки арзни қабул қилиш баённомаси бир-биридан фақат процессуал шакл ва тартиби билангина фарқ қилади.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг 113-моддасида жиноят содир этган шахснинг давлат органларига айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз асосида муурожаат қилиш тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра, *айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз* – ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабари.

Жиноятдан жабрланган фуқароларнинг арзи каби жиноят содир этган шахснинг айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзи ҳам оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳам ёзма арз аризада ифодаланса, оғзаки арз баённомада акс эттирилади.

**Жиноят ҳақидаги хабар** – процессуал ҳужжатларни расмийлаш-тирмасдан, балки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бир-лашмалари ва мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақида телефон ва телеграф орқали берилган, шунингдек сигнал берадиган кўриқлаш мосламаларининг ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали келиб тушган ҳамда аноним хабарлар.

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзма равишда билдирилган арз, гарчи шакл бўйича ариза тариқасида эътироф этилса-да, имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилиб, аноним хусусиятга эга бўлганлиги боис ариза деб тан олинмайди.

**Жиноят ҳақидаги бошқа маълумот** – бу суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи томонидан аниқланган жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи излар ва маълумотлар (ЖПКнинг 322-м., 4-б.).

Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар моҳиятига кўра икки гуруҳга бўлинади:

– жиноят тўғрисида ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасаларига келиб тушган ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ жиноят иши кўзғатилишига асос бўладиган ариза ва хабарлар;

– жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарлар.

Жиноят иши кўзғатилишига асос бўладиган ариза ва хабарларга куйидагилар киради:

– қонун асосида баённома орқали ҳужжатлаштирилган ва аризачи томонидан имзоланган оғзаки аризалар;

– Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда ёзилган фуқароларнинг ариза ва хабарлари;

– фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги бўйича ариза ва хабарлар;

– жамоатчилик (ахлоқ-одоб ва интизом) судлари, маҳалла побонлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёзма хабарлари;

– корхона, ташкилот ва муассасалар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;

– жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда ёзилган ва расмийлаштирилган фуқароларнинг чин кўнгилдан пушаймонлик бўйича аризалари;

– фуқароларнинг жиноят содир этганлигини билдириб, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзлари;

– жиноят содир этилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатмаса-да, бироқ жиноят аломатлари мавжудлигини текшириб чиқишни талаб этадиган хабарлар.

**Жиноят ҳақидаги бошқа хабарларга** қўшимча текширув олиб боришни талаб этадиган хабарлар киради. Буларга телефон, телефакс, телеграф, телерадио орқали тушган хабарлар, ХЧК ва ФР бўлимларига паспорт йўқолганлиги бўйича тушган шубҳали хабарлар, ЙҚХБ ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси ва унинг оқибатлари бўйича, қўриқлаш бўлимининг қўриқлов сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳақида, ЁХБларининг ёнғинлар бўйича, рўйхат-имтиҳон бўлимининг фуқаролар томонидан шубҳали равишда техник паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини йўқотганлик бўйича, матбуотда чоп этилган хат, мақола, хабарлар, давлат суғурта компанияларининг қонун бузилиши бўйича мурожаатлари, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган барча хабарлар, эпизоотия, фавқулодда ҳолат, оммавий тартибсизликлар, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ИИБ ходимларининг жиноят ҳақидаги билдиргилари киради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мазмунида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, у ҳолда ҳуқуқбузарликнинг маъмурий ёки жиноий эканлигига қараб аризани ички ишлар органларининг Навбатчилик қисмида юритиладиган «Ички ишлар бўлимига телефон, телеграф, сигнал берадиган қўриқлаш мосламаларининг ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали келиб тушган ҳодисалар бўйича маълумотларни ҳисобга олиш журнали (2-шакл)»га ёки «Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд этиш китоби (1-шакл)»га қайд этиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 5 январь ва 1996 йил 17 июль буйруқлари талабларига асосан, шаҳар-туман ички ишлар бўлимларида жиноят ҳақидаги ариза ва хабар тўғридан-тўғри 1-шакл китобига қайд этилиши, шунингдек 2-шакл журналига қайд этилган материаллар бўйича жиноят иши кўзғатилган ҳолларда бу материал тегишли тартибда 1-шакл китобига ўтказилиши лозим.

Юқорида келтирилган буйруқлар билан тасдиқланган Йўриқноманинг 1.3-бандида кўрсатилган жиноятга оид ариза, хабар, маълум



мотлар 1-шакл китобига қайд этилади. Йўриқноманинг 1.4-бандида кўрсатилган телефон, телефакс, телеграф, телерадио орқали тушган хабарлар, даволаш муассасаларидан тан жароҳати бўйича тушган хабарлар, ХЧК ва ФРБ бўлимларига паспорт йўқолганлиги бўйича тушган шубҳали хабарлар, ЙХХБ ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси ва унинг оқибатлари бўйича, кўриқлаш бўлимининг кўриқлов сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳақида, ЁХБларининг ёнгинлар бўйича, рўйхат-имтиҳон бўлимининг фуқаролар томонидан шубҳали равишда техник паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини йўқотганлиги бўйича, матбуотда чоп этилган хат, мақола, хабарлар, давлат суғурта компанияларининг қонун бузилиши бўйича мурожаатлари, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган барча хабарлар, эпизоотия, фавқулодда ҳолат, оммавий тартибсизликлар, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ИИБ ходимларининг жиноят ҳақидаги билдиргилари *2-шакл журналига* қайд этилади.

Йўриқноманинг 3.3-банди талабларига асосан 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали қатъий белгиланган тартибда юритилади. Навбатчилик қисмининг 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали фақатгина шаҳар-туман ИИБ наватчилик қисми наватчиси ёки уларнинг ёрдамчилари томонидан тўлдирилади ҳамда шаҳар-туман ИИБ наватчилик қисмларида сақланиши шарт. Жиноятга оид ариза, хабар, ҳодисалар тўғрисидаги бошқа маълумотлар зудлик билан ИИБ наватчилари томонидан Йўриқнома талабларига мувофиқ равишда қайд этилиши талаб этилади. 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1996 йил 17 июль буйруғи талабларига мувофиқ доимий равишда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 1 ноябрь буйруғининг 324 ва 325-бандларига асосан 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали тўлганидан сўнг 5 йил муддат сақланиши лозим.

Йўриқноманинг 3.4-бандига мувофиқ, агар содир бўлган воқеа-ҳодиса ўз моҳияти бўйича ҳал этилиши ички ишлар органларига тегишли бўлмаса ёки ҳудудий жиҳатдан бошқа шаҳар-туман ИИБга тегишлилиги аниқланса, тегишли тартибда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига рўйхатга олингач, бу борада китоб ёки журналга белги қўйган ҳолда тегишли шаҳар-туман ИИБ наватчиси билан боғланиб, дарҳол хабар қилиниши, уларда мавжуд бўлган китоб ва журналда қайд этилиши, қайд қилинганлик тартиб рақами олинниши ва улар томонидан жиноятнинг олдини олиш ёки фош этиш чоралари

кўрилгунга қадар ҳодиса содир этилган жойдаги жиноят изларининг сақланишини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим.

Жиноятга оид ариза, хабар, ҳодисалар тўғрисидаги бошқа маълумот айрим сабабларга кўра кечроқ қабул қилинганда (масалан, ҳудудий профилактика инспекторида рельефнинг ноқулайлиги сабабли хабарни ўз вақтида узатишнинг имкони бўлмаган тақдирда), 1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг 2-графасига жиноят ва ҳодиса аниқ содир этилган ва келиб тушган вақти – соати кўрсатилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, 1-шакл китоби ҳам 2-шакл журналига тергов-тезкор гуруҳи таркибида воқеа жойига чиққан эксперт, кинолог ва бошқа мутахассислар, шунингдек воқеа жойидан олинган излар, далилий ашёлар, кинологнинг хизмат ити тўғрисидаги маълумотлар ҳам ёзиб қўйилади.

Жиноятга оид ариза, хабар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар ёзма равишда келиб тушганда мазкур аризада ички ишлар органи навбатчилик қисмининг штампини қўйилиб, унда қабул қилинган сана, қайд рақами, навбатчининг исми, фамилияси, отасининг исми ёзилиб, навбатчи томонидан имзоланади.

Жиноятга оид ариза ва бошқа хабарларни қайд этиш бўйича 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали юритилишига тўлиқ жавобгарлик шахсан шаҳар-туман ИИБ бошлиғи ва навбатчи инспектор зиммасига юклатилади.

Жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг рўйхатга олиниши бўйича кунлик назорат бевосита ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади. Шу боис ҳар куни тезкор навбатчи кун (сутка) давомидаги тезкор вазият тўғрисида ИИБ бошлиғига маълумот беради. ИИБ бошлиғи 1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг тўғри тўлдирилганлигини текширади, бу ҳақда ўз фикрини билдиради ва имзо қўяди. Ҳал этилмаган материаллар бўйича тегишли соҳавий хизмат раҳбарларига топшириқлар беради.

Навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида қайд этилмаган ариза ва хабарлар бўйича ички ишлар органлари ходимларига, жумладан профилактика инспекторларига топшириқлар берилиши қатъиян тақиқланади.

Жиноятга оид ариза, хабар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларнинг белгиланган муддатда кўриб чиқилиши ва унинг 2-Е шакл ҳисоботи ҳар ярим йилда ва йиллик ҳисобот шаклида шаҳар-туман ИИБлари ҳисоб-қайд этиш инспектори томонидан олиб борилади.

1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида қайд этилмаган ариза ва хабарлар юзасидан қонуний чоралар кўрилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу китобларнинг охириги устунда қайд этилади ва ҳисоб-қайд этиш инспектори томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Бу борада суд, прокуратура органлари ва Ахборот маркази билан таққослаш-солиштирув ишлари олиб борилади.

Юқорида қайд этилганидек, жинойтга оид арзлар ариза ва баённома шаклида расмийлаштирилади. Бунда арз фуқароларнинг шахсан ўз қўли билан ёзилганда ариза шаклида ифодаланади. Борди-ю, арз қилувчи ўз арзини оғзаки тарзда баён этса, у ҳолда арз баённома шаклида қайд этилиши талаб этилади. Бу талаб айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни қабул қилиш тартибига ҳам бирдек амал қилади.

Ёзма аризада арз билдириладиган орган бошлиғининг унвони ва фамилияси, исми, отасининг исми, арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши, шундан сўнг арз қилувчи жинойт тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жинойий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиши ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланиши, сўнгра баённомада жинойт содир этиш ҳолатларига доир маълумотлар арз қилувчи номидан қисқача ёзилиши, шунингдек ариза арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланиши талаб этилади.

Оғзаки арзнинг баённомада қайд этилиши мазмунан аризадан фарқ қилмаса-да, процессуал шакл жиҳатдан ўзгачадир.

Баённомада баённома қачон, қаерда, ким томонидан (лавозими, унвони, фамилияси, исми, шарифи), Жинойт-процессуал кодексининг қайси моддасига асосан тузиладиганлиги, арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши (башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак), оғзаки арзни қабул қилиш қачон бошланиб, қачон тугаганлиги кўрсатилиб, арз қилувчи жинойт тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жинойий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиши ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланиши, сўнгра баённомада жинойт ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз акс эттирилиб, баённома арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланиши талаб этилади.

Юқорида таъкидланганидек, айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз ҳам жиноий қилмишдан моддий, маънавий ёки жисмоний зарар кўрган шахснинг арзи сингари оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. Бунда ҳам ёзма арз аризада ифодаланса, оғзаки арз баённомада акс эттирилади. Фақатгина бу ҳолатда айбини бўйнига олиб арз қилувчи шахс била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилишига йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқбузарликка оид ариза ва хабарларнинг ИИБ котибиятида қайд этилиши қатъиян ман этилади.

*Маъмурий ҳудудда содир этилган жиноят ҳақида профилактика (катта) инспекторига хабар берилганида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:*

- жиноят ҳақида хабар олгандан сўнг профилактика инспектори бу ҳақда алоқа воситалари (*рация, телефон ва бошқа турдаги алоқа воситалари*) орқали ички ишлар органининг навбатчилик қисмига хабар бериб, зудлик билан унга ёрдам кўрсатаётган кўнгилли маҳалла фаоллари, маҳалла посбонлари ёхуд мазкур ҳудудда профилактика инспектори билан ҳамкорликда хизмат олиб бораётган бошқа соҳавий хизмат ходимлари (*пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, ёнгин хавфсизлиги хизмати*) билан воқеа жойига етиб боради;

- тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса жойига етиб келгунга қадар профилактика инспектори, шу маъмурий ҳудудда хизмат қилаётган бошқа ходимларини жалб қилган ҳолда жиноят излари сақланиб қолинишини таъминлаш учун воқеа жойига ҳеч кимни киритмайди, у ердагиларни зарур бўлмаса воқеа жойидаги ҳолатни ўзгартирмасликлари ва ортиқча ҳаракат қилмасликлари тўғрисида огоҳлантиради;

- жиноят натижасида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади ва зарур бўлса, тез тиббий ёрдамни чақиради;

- гувоҳларни, воқеа шоҳидларини, гумон қилинувчи шахсларни, ашёвий далиллар ва жиноят ҳолати бўйича бошқа маълумотларни аниқлайди;

- тергов-тезкор гуруҳи етиб келганда гуруҳ раҳбарига воқеа тафсилотини етказиш билан бир вақтда, гувоҳлар, воқеа шоҳидлари, гумонланувчи шахслар, ашёвий далиллар ва жиноят ҳолати бўйича бошқа маълумотларни тақдим этади;

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг топшириғи асосида воқеа жойига яқин жойлашган хонадонларда яшайдиган, корхона, ташкилот

ва муассасаларда ишлайдиган фуқаролар орасида суриштирув ишларини олиб боради ва зарур ҳолларда суриштирилган фуқаролардан тушунтириш хатлари олади, уларни тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг олдига суҳбат учун таклиф қилади;

- тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг топшириғига асосан муқаддам содир этилган жиноятлар учун судланган ва ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчилар билан суриштирув ишларини олиб боради ва улардан тушунтириш хатлари олади;

- гумон қилинувчи шахслар билан суҳбат ўтказиб, жиноят содир этилган пайтда уларнинг қаерда бўлганликларини аниқлайди, берган кўрсатмаларини текширади ва зарур ҳолларда улардан тушунтириш хатлари олади ҳамда уларни суҳбат учун тергов-тезкор гуруҳи раҳбари олдига олиб келади;

- жиноят бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади;

- терговдан бўйин товлаётган шахсларни терговчининг ҳузурига олиб келиш чораларини кўради.

Маъмурий ҳудудда содир этилган мазкур жиноят бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

Юқорида биз бевосита профилактика инспекторларининг жиноятга оид мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятига тўхталиб ўтдик. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатларни эса алоҳида боб тарихида куйида кўриб чиқамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, *ички ишлар органлари профилактика хизматлари<sup>1</sup>нинг ҳуқуқбузарлик аломатига эга бўлмаган ижтимоий муносабатлар ҳамда маиший турмуш соҳаси билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятини* алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мурожаатлар алоҳида қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга асосан кўриб чиқилади.

Профилактика хизмати, хусусан, профилактика инспекторлари кўриб чиқадиган ушбу йўналишдаги мурожаатларга куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган беморнинг шахсий ташаббуси, шунингдек яқин қариндошлари, маҳалла фуқаролар йиғини, меҳнат жамоаси ёки соғлиқни сақлаш муас-

---

<sup>1</sup>Бундан кейин матнда профилактика хизмати деб қўлланилади.

сасаларининг илтимосномалари билан ушбу тоифадаги беморларни мажбурий даволашга юбориш юзасидан қилинган мурожаатларни.

Мазкур ҳолатда мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май ҳамда «Сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1994 йил 27 декабрдаги 326/599-сонли «Сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма буйруғи талаблари асосида кўриб чиқилади.

2. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг ўз болаларини тарбиялашга имкони йўқлигини билдирган ота-онанинг ёки таълим жараёнига жалб эта олмаётган таълим муассасаларининг мазкур тоифадаги вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш юзасидан қилган мурожаатини.

Ушбу мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 август қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 268-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрь қарорида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Профилактика хизмати, хусусан, профилактика инспекторларига бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш юзасидан қилинадиган мурожаатлар ва уларни ҳал этиш тартиби.*

1. Фуқаролар томонидан «Маҳалла посбони» жамоат тузулмасининг ўз вазифасини бажармаган, фаолияти салбий баҳоланган, қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган аъзосига нисбатан қилинган мурожаатлар. Бу каби мурожаатлар фуқаролар йиғини раисининг тавсиясига кўра фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқилади ҳамда кенгаш қарори билан ўз вазифасини бажармаган, фаолияти салбий баҳоланган, қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган шахс тузулма аъзолигидан чиқарилади. Сўнгра бу ҳақда профилактика инспектори томонидан «Маҳалла посбони» жамоат тузулмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқаришни қайд этиш» дафтарида қайд этилади.

2. Профилактика (катта) инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати раҳбарларидан бири ёки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати аппарати ходимлари иштирокида ўтказилади-

ган аҳоли олдидаги ҳисобот учрашувида фуқароларнинг профилактика инспекторларининг хизмат фаолиятига нисбатан совуққонлиги юзасидан билдирган мурожаатлари. Ушбу йўналишдаги мурожаатлар ИИВнинг шахсий таркиб билан ишлашни тартибга солувчи ички буйруқларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тегишли чоралар кўрилади.

Давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатларга тааллуқлилигига кўра, маъмурий ҳудудда жамоат тартибин сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга доир милиция таянч пункти ёки профилактика инспекторининг ёхуд уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатларни келтириш мумкин.

Ички ишлар органлари, хусусан, профилактика хизматларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи (электрон) сўров (мурожаат)лар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг (электрон) сўровига кўра муайян вазифаларни бажариш йўли билан хизмат кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги 2015 йил 9 декабрь қонунининг 18-моддасига биноан, электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин.

Ахборот давлат хизмати жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган бўлиб, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарзда тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматидир.

Интерактив давлат хизмати эса жисмоний ва юридик шахсларга жисмоний ва юридик шахслар ва электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизмати ҳисобланади.

Ушбу йўналишдаги хизматларга фуқароларнинг сўровига кўра ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларга ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабар қилиш, жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар орқали профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, профилактика хизматларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи сўров (мурожаат)ларга жисмоний шахсларнинг фуқаролик паспортини олишни, алмаштиришни, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишни сўраб қилинган мурожаатларини ҳам киритиш ўринлидир.

Хуллас, профилактика хизмати, хусусан, профилактика (катта) инспекторлари томонидан кўриб чиқиладиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари шартли равишда гуруҳлаштирилди. Ушбу гуруҳларни мурожаатнинг ёки уни кўриб чиқиш тартибининг хусусиятидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш мумкин.

Юқорида биз мурожаатларни мазмунан муайян гуруҳга мансублигини кўриб чиққан бўлсак, қуйида милиция таянч пункти (МТП), шу жумладан профилактика (катта) инспекторларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятининг индивидуал тартибини ёритишга ҳаракат қиламиз,

Маълумки мустақиллик йилларида ички ишлар органлари, хусусан, профилактика хизмати тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида ҳар бир маҳаллада милиция таянч пунктлари фаолият юритмоқда. Мазкур милиция таянч пунктлари фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив ҳужжатлар, жумладан ИИВнинг «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасида»ги буйруғи талаблари асосида профилактика инспекторлари фуқароларни МТПларда ҳам қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга ҳақли ҳисобланади. Чунки фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқиш профилактика (катта) инспекторларининг хизмат фаолияти шаклларида бири сифатида эътироф этилади. Профилактика (катта) инспекторлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги МТПда фуқароларни тасдиқланган жадвал асосида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади.

Бинобарин, қабул қилиш тартиби ва жадвали, қабулни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши мумкин.

Фуқароларни қабул қилиш жадвали ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Жадвалда ИИБ раҳбарияти, унинг юқори



органлари раҳбарияти томонидан ҳафтанинг қайси кунлари, куннинг қайси вақтларида фуқароларни қабул қилишга оид маълумотлар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Умуман олганда, фуқаролар ички ишлар органлари ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинади. Қабул аввалдан белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай бўлган вақтда ўтказилиши лозим. Фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишлар органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар ҳам юқорида келтириб ўтилган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ, зарур ҳолларда эса жадвалда назарда тутилмаган бўлса ҳам ўтказилиши ва бу қабулларда бевосита мазкур маъмурий ҳудуд профилактика (катта) инспектори ҳам иштирок этиши мумкин.

Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра, ҳар бир МТПда фуқароларни қабул қилиш учун муносиб, қулай шарт-шароитларга эга махсус хоналар ажратилган, шунингдек фуқароларнинг ариза ва шикоятлари учун махсус қути ўрнатилган бўлиши керак. Фуқароларнинг махсус хоналарга ҳеч қандай рухсатсиз ва эркин кириши таъминланиши зарур.

Фуқароларни қабул қилиш чоғида профилактика инспекторлари юксак касбий ва инсоний фазилатларини намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетика қоидаларига риоя қилиши (фуқароларга эътиборсиз бўлмаслиги, қабул вақтида тамаки маҳсулотларини чекмаслик ва бошқа ишлар билан чалғимаслиги кабилар) талаб этилади.

Маълумки, МТПларда профилактика (катта) инспектори томонидан «Фуқароларни қабул қилиш китоби» юритилиб, китобда мурожаат қилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар, сана ва мурожаатларнинг қисқача мазмуни қайд этиб борилади.

Китобда фуқаролар томонидан махсус қутига ташлаб кетилган муайян шаклдаги мурожаатлар ёки тўғридан-тўғри қилинган муро-

жаатлар, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, бир хил тартибда қайд этиб борилади.

Агар профилактика (катта) инспекторига фуқаролар жиноят ҳақидаги ариза ёки шикоят билан мурожаат қилса, профилактика (катта) инспектори бу ҳақда зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали, хабарлар тафсилоти ёзиб олинадиган телефон алоқалари ўрнатилган органларда эса шундай телефон рақамига қўнғироқ қилиб, хабар беради. Борди-ю, мурожаатлар содир этилган жиноятлар ва бедарак йўқолган шахслар билан боғлиқ ариза ёки хабар шаклида бўлса, у ҳолда мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ва тартибда қабул қилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар билан боғлиқ мурожаатлардан ташқари бошқа барча шаклдаги ёзма мурожаатлар ички ишлар органи котибиятида шу куннинг ўзида қайд қилиниши шарт.

Агар профилактика инспекторига МТПга ўрнатилган мурожаатларни қабул қилиш қутиси ёки бошқа йўллар орқали аноним тарзда ёзилган хатлар келиб тушса, профилактика инспектори бу ҳақда билдирги асосида зудлик билан ИИБ раҳбариятига ахборот беради. Борди-ю, мурожаатда тезкор қизиқиш уйғотадиган маълумотлар мавжудлиги кузатилса, у ҳолда раҳбариятнинг сипориши асосида ушбу аноним мурожаат рўйхатга олинмасдан бевосита профилактика инспектори ёки тезкор хизмат ходимларига тезкор йўллар орқали текшириб кўриш учун тақдим этилиши мумкин.

Агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз ёки қонунга хилоф хусусиятга эга бўлса ёхуд унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, у ҳолда профилактика (катта) инспектори уни қабул қилишни рад этиши мумкин.

Профилактика (катта) инспектори фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларидаги маълумотлардан маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни фoш этиш, қидирувдаги ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва ўз хизмат фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, фуқароларнинг мурожаатлари ҳамма вақт қонуний тартибда, ўз вақтида, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқилиши лозим. Акс ҳолда қонунчиликдаги демократизм, инсонпарварлик ва адолат каби принципларнинг қўпол тарзда бузилиши келиб чиқади.

## **1.2. Профилактика инспекторлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари кўриб чиқилишининг таъминланиши**

Қўлланманинг аввалида «жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари» тушунчаси, уларнинг турлари, муддатлари, мурожаатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби каби масалаларга тўхталдик. Энди эса бевосита ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини мазмунан ва процессуал жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Юридик адабиётларда «иш юритиш», «кўриб чиқиш» тушунчалари мавжуд бўлиб, мазкур тушунчалар мазмун ва ҳажм жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

Қолаверса, «иш юритиш» тушунчаси аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликка оид мурожаатларда қўлланилади. Чунки содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят бўйича дастлабки текширув натижаларига кўра маъмурий ёки жиноят иши кўзғатилиши билан тўпланган ҳужжатлар шаклан «иш» мақомига эга бўлади. Бироқ, ушбу ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда баённома тузилиб, баъзан тузилмасдан ҳам тегишли маъмурий таъсир чоралари кўрилиши мумкин бўлган ҳолатлар истисно этилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, профилактика инспекторлари гарчи амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси 2-қисм 4-бандига асосан маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқувчи субъект сифатида эътироф этилган бўлса-да, аммо ҳар доим ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқавермайди ва қонунда белгиланган тўққиз турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларинигина кўриб чиқиш ваколатига эга.

Мазкур ҳолатда «кўриб чиқиш» тушунчаси тор маънода қўлланилган бўлиб, асосан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича уни содир этган шахснинг қилмишини баҳолаш ва қилмишига яраша маъмурий таъсир чорасини қўллаш вазифасини амалга ошириш доираси билан чегараланади. Жиноят ишлари бўйича эса профилактика инспекторлари ҳеч қандай «кўриб чиқиш» ваколатига эга эмаслар.

Масалага бу тарзда ёндашув «иш юритиш» «кўриб чиқиш»га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, профилактика инспекторлари вазиятга қараб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқиши, кўриб чиқиш юзасидан дастлабки текширувни амалга ошириши ёки иш юритувини олиб бориши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мазмунан ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлмаган мурожаатлар ҳамда ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлган мурожаатлар га бўлиниши мумкин.

*Ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлмаган мурожаатлар* – жисмоний ва юридик шахсларнинг содир этилиб, таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби мавжуд бўлмаган ғайриижтимоий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ёки ижтимоий ҳаётга оид бошқа масалалар билан боғлиқ мурожаатлар.

Профилактика инспектори ҳар қандай масала, жумладан ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ҳам фуқароларнинг мурожаатларини рад этишга ҳақли эмас. Бу борада жисмоний ва юридик шахснинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича қарор қабул қилинганлик ва бу ҳақда уларга белгиланган тартибда хабар қилинганлик ҳолати истисно этилади.

Шу боис келиб тушган мурожаатга доир ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиқиш, мурожаатни кўриб чиқиш юзасидан тааллуқлилик масаласини ҳал қилиш, мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида доимий равишда қонунийлик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларга риоя қилиш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва қоплаш чораларини кўриш кабиларнинг амалга оширилишини таъминлаш талаб этилади.

Профилактика инспектори ўзи шахсан кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган мурожаатлар бўйича қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1. Мурожаат билан танишиш жараёнида унда баён этилган масалани ҳал этиш ваколатига кирмаслигини аниқласа, мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалани ҳал этиш учун қайси орган ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклигини тушунтиради.

2. Дастлабки ёки терговга қадар текширувни амалга ошириб, тўпланган ҳужжатларни тегишли чора кўриш учун мурожаатни кўриб чиқиш ваколатига эга давлат органи ёки мансабдор шахсга юбориш чораларини кўради.

*Ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлган мурожаатлар* – жисмоний ва юридик шахсларнинг содир этилиб, таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг таркибий қисмлари мавжуд бўлган ғайриижтимоий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) билан боғлиқ мурожаатлари.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарликка оид муурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шу ўринда профилактика инспекторларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ҳақидаги муурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятини атрофлича ёритишга ҳаракат қиламиз. Чунки бугунги кун амалиётида баъзида профилактика инспекторларининг эътиборсизлиги, тажрибасизлиги ёки бу борадаги ҳуқуқий билимларининг етишмаслиги сабабли фуқароларнинг жиноят ҳақидаги муурожаатларини кўриб чиқишда хато ва камчиликлар учраб турибди. Натижада профилактика инспекторлари интизомий, энг ачинарлиси, баъзида жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар.

Фуқаролар профилактика (катта) инспекторига жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилганларида, у ИИВнинг 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган Йўриқноманинг 12-боби талаблари асосида ҳаракат қилади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ҳақидаги муурожаатларини кўриб чиқиш иш юритишнинг терговга қадар текширув босқичини ўз ичига олади.

Мазкур нормага асосан, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва *дарҳол*, жиноят ишини кўзғатиш учун сабабнинг қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевоқифа ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса *ўн суткадан* кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ишни кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари Жиноят-процессуал кодексининг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида кўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш тақиқланади.

Терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослангилган қарорига кўра, прокурор томонидан *бир ойгача* узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қилинадиган экспертиза, хизмат текшируви, хужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса (ЖПК 329-м.).

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси «Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби» деб номланганлиги ҳамда ушбу нормада фақат терговга қадар текширув ва уни олиб бориш муддатлари баён этилганлиги эътиборга олинса, у ҳолда жиноят процессида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва терговга қадар текширув бир хил мазмунга эгаллиги ойдинлашади.

Демак, терговга қадар текширув босқичининг муддати ўн суткагача этиб белгиланган бўлиб, алоҳида ҳолларда ушбу муддат прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши ҳам мумкин ва бу муддат бир вақтнинг ўзида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш муддатини ҳам ўзида ифода қилади.

Жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш натижасида профилактика инспекторлари томонидан қуйидаги қарорлардан бирининг қабул қилиниши талаб этилади:

1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;

2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни тегишлилигига қараб терговга юбориш ҳақида (ЖПК 330-м.).

*Жиноят ишини қўзғатиш.* Жиноят ишини қўзғатиш амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 321 ва 322-моддалари асосида амалга оширилади.

Жиноят ишини қўзғатишга қуйидагилар сабаб бўлади:

1) шахсларнинг аризалари;

2) корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;

3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;

5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз.

Терговга қадар текширув давомида аниқланган жиноят белгилари (таркиби)нинг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агар, жиноят ҳақида хабар келиб тушганлигига қарамай, амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддаси 1-қисмининг 6-бандига асосан (ЖПК 325-м.) жабрланувчининг шикояти бўлмаса, у ҳолда ушбу хабар жиноят ишини қўзғатишга асос бўлмайди.

*Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш.* Терговга қадар текширув натижасида жиноят белгилари (таркиби)нинг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланмаса, бошқача айтганда, жиноят ишини қўзғатишга етарлича асос бўлмаса, унда профилактика инспектори томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилади (ЖПК 333-м.).

*Ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш.* Агар ариза ёки хабар терговга тааллуқли бўлса, у ҳолда профилактика инспектори ваколати доирасида терговга қадар текширувни ўтказиб ва кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатларни амалга ошириб ёки терговга қадар текширувни амалга оширмасдан ҳам ЖПКнинг 344 ва 345-моддалари талаблари асосида терговга тегишлилиги бўйича юборилиши талаб этилади.

Жиноятга оид ариза, хабар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларига келиб тушиши билан 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga қайд этилгач, зудлик билан шаҳар-туман ИИБ бошлиғига маълум қилинади ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда текширув ишлари ташкил этилади.

Агар хабар тасдиқланмаса, уйдирма ёки ёлғон бўлса, «Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори» тузилиб, йиғмажилд ёпилади. Қарор ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланганидан сўнг ҳисоб-қайд этиш инспектори томонидан юритиладиган «жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш материалларини қайд этиш китоби»да навбатдаги рақам билан ҳисобга олинади ва ҳудудий прокурорга ўрганиб чиқиш учун йўналтирувчи хат билан тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар прокурор томонидан ўрганиб чиқилади, агар қабул қилинган қарор бўйича розилик билдирилса, у ҳолда тўпланган материаллар яна хат орқали ҳисоб-қайд этиш инспекторига қайтариб юборилади ва архивда уч йил сақланади.

Борди-ю, қабул қилинган қарордан прокурор норози бўлса, у ҳолда материалларни қайта кўриб чиқиш ва жиноят аломатлари мавжудлиги боис жиноят ишини қўзғатиш учун ёки прокурор томонидан жиноят иши қўзғатилган ҳолда хат орқали қайтарилади. Ушбу ҳолатда жиноят марказлашган ҳисобдан яширилган деб топилади ҳамда ҳисоботда акс эттирилади.

Ички ишлар органига келиб тушган жиноятга оид ҳар бир ариза, хабар, ҳодиса тўғрисидаги ёзма маълумот ижроси шаҳар-туман ИИБ бошлиғи ёки унинг вазифаси юклатилган шахслар томонидан муайян бир ходим (жумладан, профилактика инспектори)га юклатилиб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда ижро этилиши белгиланиб, ёзма топшириқ берилади.

2-шакл журналида ҳар бир тушган хабар бўйича текширув муддатлари қайд этилиб борилади. Ички ишлар бўлими навбатчиси навбатчиликни топширишда 2-шакл журнали асосида навбатчилик кунига қадар муддати ўтган ёки тугаган хабарлар рўйхатини тузади ва бу ҳақда ўз билдиргисида кўрсатиб, ИИБ бошлиғига ёки кейинги навбатчига маълум қилади.

Жиноят иши қўзғатиш рад этилган материаллар ички ишлар органларида жиноят иши қўзғатиш рад этилган материалларни ҳисобга олиш журналига қайд этилади ва шаҳар-туман ИИБ ҳисоб-қайд этиш инспектори томонидан юритилади. Унга ҳам ҳисобот йили бошидан тартиб рақами берилади.

Профилактика инспектори жиноят иши қўзғатиш рад этилган барча материаллар бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш қарорини чиқариши ва суриштирув органи бошлиғи (ИИБ бошлиғи ёки хизмат бошлиғи) ёки унинг ваколатли ўринбосарига тасдиқлатиши лозим. Суриштирув органи бошлиғи профилактика инспектори томонидан жиноят иши қўзғатилиши рад этилган материални тасдиқлашдан олдин унинг асослигини текшириб, тергов органи томонидан ўрганиб чиқилгани тўғрисида имзо борлигига ишонч ҳосил қилгач, прокуратура органи билан қонунийлигини келишган ҳолда тасдиқлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1996 йилги буйруғи билан тасдиқланган Йўриқноманинг 12-бандига асосан, фақат чақирув ўз тасдиғини топмаса ва ёлғон хабар бўлгандагина хулоса чиқарилади<sup>1</sup>. Шунда ҳам ҳодиса содир бўлган жойга чиқилгач, уни кўздан кечириш

---

<sup>1</sup> Амалда ҳар бир ҳолат бўйича «Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш» қарори қабул қилинади.



ҳақида баённома тузилиб, барча тегишли ҳужжатлар йиғилади, сўнгра суриштирув органи бошлиғига тасдиқлатиб, махсус номенклатура йиғмажилдига тўпланади ва сақлаш учун статистика кичик нозирга топширилади.

Қолган барча ҳолатларда, шу жумладан тиббиёт муассасалари билан бўлган таққослаш давомида ҳам, хабар ўз тасдиғини топмаса, жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиши шарт.

Жиноят ҳақида келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш даврида жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– очикдан-очик жиноят ҳақидаги аризани қабул қилмаслик ёки қабул қилиб, ҳеч қаерда қайд этмасликда;

– ҳудудийлик бўйича жиноят ҳақидаги ҳужжатларни юбориш асосларини сохталаштириб, чиқиш хати билан жиноятни ҳисобдан чиқариб яширишда;

– жиноят ҳақидаги аризада жиноят аломатлари мавжуд эмас деб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 2-банди асосида жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш қарорини чиқариш ҳамда маъмурий тартибда кўриб чиқиш учун ҳужжатларни сохталаштиришда;

– почта орқали келган жиноят ҳақидаги аризани кўриш жараёнида жиноят аломатлари йўқ деган важга асосланган ҳолда хулоса чиқариш йўли билан марказлашган ҳисобдан яширишда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига «Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш» номли 241<sup>1</sup>-модданинг киритилиши жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаб берди.

Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги, *биринчидан*, одил судлов органларининг нормал ишлаш фаолиятини бузади, уларни обрўсизлантиради ва мавқеига путур етказди. Бу эса фуқароларнинг адолат қарор топишига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончи йўқолишига олиб келади. Фуқароларда жиноят қонунининг асосий принципларидан бири бўлган жавобгарлик муқаррарлигига шубҳа уйғотади ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилмай қолишига имкон яратади. *Иккинчидан*, жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш адолатнинг қарор

топишига тўсқинлик қилади, жиноятнинг латентлик даражасини оширади ва одил судлов органларининг обрўсини туширади.

Жиноят ҳақида келиб тушган ариза ва хабарларни қабул қилишда жиноятни ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президент Девони топшириғига биноан, 2008–2009 йилларда изланишлар олиб борилди. Натижада соҳа мутахассислари ҳамда компьютер технологиялари соҳасидаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрида ИИББ Навбатчилик қисмининг марказлашган «102» хизмати базасида «Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими» жорий этилди. Бу тизимни босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш белгиланган.

Бириктирилган маъмурий ҳудудда фаолият олиб борадиган профилактика инспекторларига аксарият ҳолларда жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳам муурожаатлар бўлиб туради. Бундай пайтларда, ҳуқуқбузарлик маъмурий ёки жиноий бўлишидан қатъи назар, профилактика инспекторидан, аввало, тартиббузарликни тўхтатиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва доимий равишда шахсий хавфсизлик чораларини кўриш талаб этилади. Бу борада вазиятга қараб маъмурий ҳудудга соҳавий хизматлардан бириктирилган ва жамоат тузулмаларидан иборат қўшимча кучлар имкониятидан фойдаланиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари муурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда қонун талабларига қатъий риоя қилишлари талаб этилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ҳақидаги ариза ёки хабари юзасидан жиноят ишини қўзғатиш ва зудликда зарур ҳамда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш талаб қилинадиган вазиятлар профилактика инспектори учун мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки профилактика инспектори аксарият ҳолларда ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келади ва шу боис зудлик билан ҳодиса тафсилотлари ҳақида бирламчи маълумотларга эга бўлиши, жиноят содир этган шахс ҳақида маълумотлар тўплаш чораларини кўриши талаб этилади. Тергов-тезкор гуруҳи зудлик билан етиб бора олмайдиган олис қишлоқ ва овулларда жиноят содир этилиши эса ушбу масалани янада мураккаблаштиради. Қолаверса, амалиётда кўпчилик ҳолатларда терговга қадар текширув профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади. Шу боис профи-

лактика инспекторининг терговга қадар текширув фаолиятини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят иши бўйича профилактика инспекторининг тергов-тезкор гуруҳисиз ҳодиса содир бўлган жойга чиқиши, у ерни кўздан кечириши ва бошқа ҳаракатларни бир ўзи амалга оширишини энг қийин вазият деб ҳисоблаш мумкин. Бундай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш учун профилактика инспекторидан билим, қобилият, фазилят, малака ва кўникмалар: ишлар бўйича самарали режа тузиш, ҳис-туйғуларни жиловлаш, руҳий тетиклик, ҳиссий барқарорлик ва ўзини уюштира билиш каби сифатлар талаб этилади.

Жиноят иши юритувининг терговга қадар текширув босқичи, Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддасига асосан, кўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш процессуал ҳаракатларининг сифатли ва самарали амалга оширилиши талаб этилади.

Маълумки, терговга қадар текширувни профилактика инспекторлари ҳам суриштирувчи сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширади. Бунда профилактика инспекторлари суриштирувчи тариқасида бевосита ҳаракат қилса, билвосита ҳаракатни суриштирув органи бошлиғи, терговчи ёки прокурорнинг топшириғи асосида амалга оширади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам профилактика инспекторларидан синчковлик, зийраклик, муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва унда иштирок этишда профессионал ёндашув талаб этилади. Профилактика инспекторларининг терговга қадар текширув жараёнида «иссиқ излар»ни сақлаб қолмаслиги, процессуал ҳаракатларни тўлиқ ва сифатли амалга оширмаслиги ва шу орқали зарур маълумотларни тўпламаслиги кўпчилик ҳолларда нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Профилактика инспектори терговга қадар текширув жараёнида бевосита ҳаракатланганда унинг тафаккури фақат ўз фаолиятини акс эттириб ва йўналтирибгина қолмай, ишнинг барча иштирокчилари ва ишга дахлдор шахсларнинг ақлий (интеллектуал) даражаси, руҳий ҳолатларини ҳисобга олиши, уни қиёслаши, мувофиқлаштириб бориши лозим. У нафақат ўзи, балки ўзгалар учун ҳам фикр юритиши, қарор ва хатти-ҳаракатларни олдиндан кўра олиши, уларни йўналтириб туриши ҳамда ана шу омиллардан келиб чиқиб, ўз хулқ-атворини идора этиши зарур. Ушбу жараёнда манфаатлари турли-туман, бир-бирига мос келмайдиган, баъзан бутунлай қарама-қарши бўлган шахс-

лар: профилактика инспектори ва жиноят содир этган шахс, тушунтириш берувчи ва тушунтириш олаётган ҳамда бошқалар тўқнаш келадилар.

Терговга қадар текширувни олиб бориш даврида ҳужжатлар талаб қилиш процессуал ҳаракати асосан расмий сўров хатларини тузиш, юбориш ва уларга жавоб олиш асосида амалга оширилади. Борди-ю, талаб асоссиз равишда рад этилса, унда белгиланган тартибда чора кўриш лозим ҳисобланади. Талаб қилиб олинган ҳужжатлар текширув натижасида жиноят ишини қўзғатишга асос бор ёки йўқлиги ҳақида қарор қабул қилиш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳужжатлар асосан корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан талаб қилиб олинади.

Айнан шу мақсад йўлида фуқаролар, мансабдор шахслар ва хизматчилардан тушунтиришлар талаб қилиб олишлари ҳам мумкин. Ушбу тушунтиришлар ваколатли давлат хизматчиси томонидан тушунтириш хатларини расмийлаштириш орқали олинади. Айни пайтда, ушбу тушунтиришларни талаб қилиб олиш ва тушунтириш хатларини расмийлаштиришнинг процессуал тартиби жиноят-процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган. Мазкур процессуал ҳаракат шу давргача амалиётда шаклланган тартиб ва талаблар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Эътиборли томони шундаки, амалиётда ҳам ушбу процессуал ҳаракат турли жойларда турлича амалга оширилиб ва расмийлаштирилиб келинмоқда. Фикримизча, қонун талаблари ва амалиётда ўрнатилган тартибга мантқиқий ва асосли тарзда ёндашиб, намуна сифатида тушунтириш хатларини расмийлаштиришнинг қуйидаги тартибда амалга оширилиши тавсия этилади:

Профилактика инспектори жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқишда терговга қадар текширув юзасидан белгиланган тартибда ходиса шохидлари ёки ишга тааллуқли бошқа шахсларни сўровдан ўтказиб, ёзма равишда тушунтиришлар оладилар. Мазкур тушунтиришлар тушунтириш хатлари орқали расмийлаштирилади.

Сўров натижасида олинган маълумотлар мавжуд бошқа маълумотларга зид келмасагина жиноят ишини қўзғатиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот сифатида хизмат қилади.

Тушунтириш хатларида: тушунтириш берувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи ва санаси, иш жойи, лавозими, унвони, яшаш жойи), ҳолат ёки

иш юзасидан унга маълум бўлган маълумотларнинг тавсифи, тушунтиришларга аниқлик киритиш мақсадида берилган қўшимча саволлар (кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар бериш тақиқланади) ва уларга жавоблар, тушунтириш берувчининг тушунтириш хатини ўз сўзидан ёки ўз қўли билан ёзилганлигини тасдиқлаши, тушунтириш хати олинган сана ва тушунтириш хатини олаётган профилактика инспекторининг имзоси акс эттирилади. Башарти, тушунтириш хати бир неча саҳифадан иборат бўлса, ҳар бир саҳифага алоҳида имзо чекилади, агар таржимон иштирок этган бўлса, у ҳолда таржимон ҳам худди шу тартибда имзо чекади.

Олинган тушунтириш хатлари профилактика инспектори томонидан ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларга қўшилади.

Юқорида биз терговга қадар текширув бир вақтнинг ўзида жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқиш мазмунига эгаллиги ҳақида фикр юритдик. Шундай экан, мазкур жараён ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, қўшимча ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиш олиш билан бир қаторда шахсни ушлаб туриш ва экспертиза ўтказиш процессуал ҳаракатларининг ҳам амалга оширилишини талаб этади. Ушбу процессуал ҳаракатлар Жиноят-процессуал кодексда белгиланган умумий асосларга кўра амалга оширилади. Мурожаатни кўриб чиқиш натижасида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Мазкур қарорларнинг етарлича асослантилганлиги ва белгиланган муддатда қабул қилинганлиги мурожаатнинг қонунлар талабларига риоя этилган ҳолда тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилганлигини аниқлатади.

### **1.3. Профилактика хизматларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар**

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, барча қонунларнинг асоси ҳисобланган Конституциямизнинг моддаларига мурожаат этсак, ўринли бўлади. Жумладан, Асосий қонуннинг қуйидаги моддалари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини

кўриб чиқиш жараёнини бевосита тартибга солинишини таъминлайди ҳамда йўналтирувчи бош қоида ва талаб сифатида намоён бўлади:

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир (24-м.).

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-м.).

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (26-м.).

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-м.).

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (30-м.).

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (35-м.).

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-м.).

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-м.).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда янги тахрирда қабул қилинган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни** ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этиб, унда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни ҳам бу йўналишда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларга эркин мурожаат қилиш, мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (оғзаки, ёзма ёки электрон ҳужжат шаклида)ни амалга ошириш каби имкониятларни беради.

Қонуннинг 14-моддасида белгиланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзлари эгаллаб турган ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарда ва (ёки) бошқа ажратилган жойларда тегишли органнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот билан ахборотдан фойдаланувчилар танишиши учун ахборот стендларини ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларни жойлаштириши шарт» мазмунидаги қоидага кўра, ҳар бир МТПнинг ҳамма кириши мумкин бўлган хоналари ва (ёки) бошқа ажратилган жойларда жойлаштирилган ахборот стендлари ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қуйидагилар бўлиши талаб этилади:

– ички ишлар органлари, хусусан, МТПнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

– юқори турувчи ички ишлар органлари, хусусан, МТПнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати, ишонч телефонларининг рақамлари;

– ариза, таклиф ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

– ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 19-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахслар ички ишлар

органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун оғзаки, ёзма ёки электрон ҳужжат шаклида сўровлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу мурожаатлар ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши керак. Фақат оммавий ахборот воситаларининг сўровигина етти кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши талаб этилади.

Қонуннинг 20-моддасида бевосита сўровга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган.

Эътиборли томони шундаки, жисмоний ва юридик шахсларнинг бу тарздаги мурожаати уларнинг ариза, таклиф ва шикоят мазмунига эга мурожаатидан фарқланадиган алоҳида йўналишга эга мурожаат ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонуни.** Мазкур қонунда электрон ҳужжат, электрон ҳужжат айланиши, электрон ҳужжатнинг реквизитлари, электрон ҳужжатнинг юридик кучи ва унинг қоғоз нусхаси кабилар билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган.

Модомики, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ички ишлар органларининг муайян хизматни кўрсатишига ёки муайян вазифани амалга оширишига асос бўлар экан, унда ушбу мурожаатлар ҳам, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳужжат мақомига эга бўлади. Қонунда эса электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари тариқасида қуйидагилар келтирилган:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Шу ўринда **Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунини** кўриб чиқиш мантиқан ўринли ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилганидек, электрон ҳужжатга қўйиладиган асосий талаблардан бири электрон рақамли имзо саналади. Ушбу Қонун билан айнан электрон рақамли имзонинг қўлда қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эгаллиги, электрон рақамли имзонинг воситалари, электрон рақамли имзо калитининг сертификати кабилар билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган

**Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрь куни қабул қилинган «Электрон ҳуқуқат тўғрисида»ги қонуни.** Ушбу Қонун,



*аввало*, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини тартибга солиш, *иккинчидан*, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чор-тадбирлар ва техник воситалар тизимини яратишга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг «Асосий тушунчалар»га бағишланган нормасида давлат хизмати, сўров (яъни электрон сўров), ариза берувчи, идоралараро ҳамкорлик қилиш, электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари, электрон давлат хизматининг регламенти, электрон давлат хизмати каби тушунчаларга таъриф берилган. «*Давлат хизмати* – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларнинг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат», «*сўров* – ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби», «*ариза берувчи* – давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс» мазмунида тушунчаларга берилган таъриф шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Қонуннинг 6-моддасида «Давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги принципи» қайд этилган бўлиб, ушбу принципга асосан электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ариза берувчи сўровининг кўриб чиқирилиши ҳолати ва хизматлар кўрсатилиши натижалари тўғрисидаги ахборотни тегишли хабарларни электрон шаклда юбориш йўли билан унинг талабига кўра тақдим этади.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Қонуннинг 28-моддасига асосан, электрон давлат хизматлари жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Қонуннинг тўртинчи бўлими «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал тартиби белгиланганлигини инобатга олсак, Ўзбекистон Республикасининг ***Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси*** ҳам мурожаатларни кўриб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

Бинобарин, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги» деб номланган XVIII бобининг 248-моддаси 2-қисми 4-бандида профилактика инспекторлари тўққиз турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эгалиги белгиланган.

Ўз навбатида, аксарият ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар айнан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида кўриб чиқилади. Шунинг учун инобатга оладиган бўлсак, мазкур Қонуннинг профилактика инспекторларининг мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солиш ва ташкил этишдаги аҳамияти нақадар катталигини англаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ***Жиноят-процессуал кодекси*** ҳам асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади. Унинг 329-моддасида жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш иш юритишнинг терговга қадар текшириш босқичида амалга оширилиши, терговга қадар текширув босқичи эса, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар олинган пайдан бошлаб ҳамда ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олиши белгиланган. Шу боис кодекснинг «Жиноят ишини қўзғатиш» деб номланган 41-бобини ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби белгиланган 587-моддасини бевосита жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган нормалар тарихида келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, ички ишлар органларида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг кўриб чиқилиши ҳамда жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида қарор қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329 ва 330-моддалари билан бир қаторда 1993 йилнинг 5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазири ҳамкорликда қабул қилган «*Ички ишлар идораларида жиноят ҳақидаги ариза, шикоят ва бошқа турдаги хабарларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби*» тўғрисидаги буйруғи, шунингдек мазкур буйруққа ўзгартириш ва қўшимча тарихида 1996 йилнинг 17 июль куни қабул қилинган буйруқ талаблари асосида амалга оширилади.

Ушбу буйруқ билан тасдиқланган йўриқномалар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг барча турдаги бошқарма, муассаса ва мустақил бўлимлари, тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари учун ягона тартибни белгилайди, яъни унга асосан:

– ички ишлар органларига келиб тушган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги ҳар бир ҳолат бўйича ички ишлар органлари ходимлари томонидан текширув ҳаракатлари ўтказилишининг мажбурийлиги;

– улар устидан тегишли тартибда назорат ишларини юритиш;

– ички ишлар органларига келиб тушган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги ҳар бир ҳолат ўз вақтида қайд этилиши, улар бўйича тегишли тартибда қонуний қарор қабул қилиниши ҳамда унинг статистик ҳисоботини олиб бориш вазифалари юклатилган.

Шунингдек, терговга қадар текширув жараёнида жиноят ишини қўзғатиш учун асос келтириш мақсадида экспертиза ўтказилиши мумкинлиги бизга маълум. Экспертизани ўтказиш асослари ва процессуал тартиби эса Жиноят-процессуал кодекси (22-боб, 67, 68-м.) билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг *«Суд экспертизаси тўғрисида»*ги қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Қонуннинг 3-моддасида «суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат» эканлиги қайд этилган. Шунингдек, қонунда суд экспертизасининг турлари (қўшимча, қайта, комиссиявий ҳамда комплекс суд экспертизалари), суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Айнан экспертизаларнинг ўз вақтида тайинланиши, экспертлар олдига аниқ ва тўлиқ саволларнинг қўйилиши, аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг батафсил текширилиши мурожаатларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги *«Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»*ги 73-сонли қарори ҳам ушбу соҳадаги асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қарор билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқланган. Ушбу Намунавий низомга асосида 2015 йил 5 май куни ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 72-сонли буйруқ қабул қилинган. Мазкур буйруқнинг мазмунига қуйида алоҳида тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги **«Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 март қарори талабларини бажариш, шунингдек электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айирбош-лашни, сўровларни расмийлаштириш тартибларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасининг «Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида Низом» тасдиқланган. Низомда «Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал)» тушунчасига таъриф берилган, шунингдек ягона порталнинг мақсади ва вазифалари, мурожаатларни бериш ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-қоидалар ўз аксини топган.

Жумладан, фойдаланувчи ўз мурожаатига мурожаат шакли тўлдирилганда кўрсатилган почта манзилига электрон шаклда ёхуд ёзма равишда жавоб олиш турини танлаш имкониятига эга.

Шахсий кабинет<sup>1</sup>дан мурожаат олингандан кейин уни кўриб чиқиш ишлари ёзма мурожаатлар учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> **Фойдаланувчининг шахсий кабинети** – интерактив давлат хизматлари олишда давлат органлари билан ўзаро муносабатлар учун ўзида фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар, жумладан шахсий маълумотлар мавжуд бўлган Ягона порталдаги электрон ресурс.

Қуйидагилар фойдаланувчининг шахсий кабинет орқали тушган мурожаатини кўриб чиқишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

– одобсизлик мазмунидаги мурожаатлар (уятсиз ёхуд ҳақоратли иборалар, таҳдидлар, мантиқ ва маъноси бўлмаган таклифлар ва шунга ўхшаш мурожаатлар);

– мурожаат матнида тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган, таркибида аниқ аризалар, шикоятлар ёки таклифлар бўлмаган мурожаатлар.

Олувчи томонидан мурожаатни кўриб чиқиш рад этилганда бир иш куни мобайнида мурожаатни кўриб чиқишни рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда фойдаланувчига электрон шаклда рад этиш тўғрисида хабарнома юборилади.

Фойдаланувчи томонидан шахсий кабинет орқали юборилган мурожаат унда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органларига тушганда, беш кун муддатдан кечиктирмасдан, танланган хабар бериш турига асосан, бу тўғрида фойдаланувчини хабардор қилган ҳолда тегишли органга юбориш лозим.

Шахсий кабинет орқали берилган мурожаатнинг қабул қилиниши ва кўриб чиқиши мажбурийдир, бироқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу ҳолатда мурожаат қабул қилинган сана мурожаатни олувчининг электрон почтасига келиб тушган сана билан белгиланади.

Олувчига шахсий кабинет орқали келиб тушган фойдаланувчининг мурожаати давлат органи раҳбарининг ички буйруғига асосан тайинланган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Давлат органи битта ва айнан ўша фойдаланувчининг олувчи бир неча бор ушбу масала бўйича жавоб берган мурожаатини, агар унда янги важлар ёки ҳолатлар келтирилмаган бўлса, кўриб чиқмайди.

Ягона порталда «Кўпинча бериладиган саволлар» бўлими ташкил этилади. Ушбу бўлимни шакллантириш ва сақлаш учун жавобгарлик олувчига юклатилади.

*Фойдаланувчининг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари:*

*таклифлар* – келиб тушган кундан бир ойгача, қўшимча ўрганишлар талаб қилинадиган таклифлардан ташқари, бу тўғрида таклиф киритган шахсга ўн кун муддатда хабар берилади;

*аризалар ёки шикоятлар* – олувчига келиб тушган кундан бир ойгача, масалани моҳияти бўйича ҳал этиш, қўшимча ўрганиш ва текширишлар талаб қилмайдиганлари эса – ўн беш кундан кечиктирилмасдан ҳал этилиши шарт.

Фойдаланувчининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишда камситишларга йўл қўйилмайди.

Юқорида келтириб ўтилганлардан ташқари, ички ишлар органлари профилактика хизматларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солувчи бир қатор Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички буйруқлари ҳам мавжуд.

Шулардан бири 2001 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»**ги буйруқдир. Ушбу буйруқда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид мурожаатларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар қайси муддат ва қайси жойларда кўриб чиқилиши, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, профилактика (катта) инспекторлари томонидан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиладиган муайян маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек маъмурий жарима жазосини қўллаш ва ижросини таъминлашга доир қоидалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 1 сентябрь куни қабул қилинган **«Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»**ги буйруғи профилактика (катта) инспекторларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини тартибга солиб турувчи асосий қонуности ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Унда, *биринчидан*, профилактика (катта) инспектори хизмат фаолиятини амалга ошириш учун тузадиган кунлик иш режаларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича амалга ошириладиган ишларнинг киритилиши; *иккинчидан*, ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қўлланилаётган шахснинг унга нисбатан йўналтирилган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билиш, тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиш, юридик ёрдам олиш ва бошқа илтимослари бўйича мурожаатларини белгиланган муддат ва тартибда кўриб чиқилиши; *учинчидан*, фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқиш профилактика (катта) инспекторлари хизмат фаолиятининг бир шакли сифатида эътироф этилиши; *тўртинчидан*, фуқаролар мурожаатларининг криминоген вазиятни таҳлил

қилишдаги аҳамияти белгиланган, *шунингдек* профилактика (катта) инспекторининг фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқиш фаолияти тартибга солинган.

Бундан ташқари, ИИВнинг 2015 йил 5 майда қабул қилинган **«Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»**ги буйруғи ҳам мавжуд.

Ушбу буйруқда фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг таклифлари, аризалари ҳамда шикоятларини кўриб чиқиш бўйича ички ишлар органларининг вазифалари, келиб тушган хатларни рўйхатга олиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларни ҳал этишга қўйиладиган талаблар, ички ишлар органларида фуқароларни қабул қилиш, келиб тушган хатларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек ушбу йўналишдаги фаолиятни назорат қилиш тартибига оид масалалар ўз аксини топган.

Чунончи, ички ишлар органларида мурожаатлар қуйидаги усулларда қабул қилиниши белгиланган:

– жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш (оғзаки мурожаати) орқали;

– почта, фельдъегерлик хизмати ва махсус алоқа воситалари орқали;

– расмий веб-сайт ва электрон почта манзили орқали;

– «ишонч телефони» орқали;

– ички ишлар органининг маъмурий биносида (хонасида, ҳудудида) жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун қулай жойларга ўрнатилган почта қутисига келиб тушадиган хатлар орқали.

Буйруққа асосан, ички ишлар органлари тизимида мурожаатлар билан ишлаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

– жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш;

– оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларни қайд этиш, рўйхатга ва ҳисобга олиш;

– мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ташкилий топшириқларни тайёрлаш;

– мурожаатни моҳияти бўйича ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш ҳамда мурожаат юзасидан тегишли қарор қабул қилиш;

– мурожаатларга жавоб тайёрлаш ва уларни аризачига ёки манфаатдор идорага жўнатиш;

– мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича тўпланган ҳужжатларни йиғиш ва сақлаш;

– мурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли идоравий бошқарув ҳужжатлари ва таҳлилий ахборотларни тайёрлаш;

– мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси ва бошқа идорага юборилган мурожаатларни кўриб чиқилишини назорат қилиш.

Мурожаат ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахс мурожаат кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш, шахсан важларини баён этиш ва тушунтиришлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, мурожаатни кўриб чиқувчи ички ишлар органларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар:

– жисмоний ва юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан, агар уларда давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, танишиб чиқиш имкониятини таъминлашга;

– мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш бўйича чора-тадбирлар кўришга;

– мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг, зудлик билан ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилишга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ички ишлар органлари раҳбарлари жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари билан ишлаш ва фуқароларни қабул қилиш юзасидан олиб бориладиган ишларни шахсан ўзи, шунингдек ўринбосарлари, таркибий хизматлар раҳбарлари ҳамда котибият орқали назорат қилиб борадилар. Айнан шу мақсадда



ҳар бир ички ишлар органида мазкур орган бошлиғи ўринбосарларидан бири бошчилигида фуқароларнинг хатлари билан ишлаш бўйича доимий комиссия тузилади. Комиссия ушбу йўналишдаги фаолиятни атрофлича ўрганиб, натижалари бўйича тегишли тартибда раҳбариятга ахборот бериб боради.

ИИВнинг 2015 йил 10 май куни қабул қилинган **«Ички ишлар органларида «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги буйруғи Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган. Ўз ўрнида ички ишлар органларида «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартибига қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

«Ишонч телефонлари» орқали мурожаатлар якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача ички ишлар органларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

«Ишонч телефонлари» орқали қилинган мурожаатлар ҳам келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ушбу мурожаатлар навбатчилик қисмида навбатчи ёрдамчиси томонидан, соҳавий хизматларда эса навбатчи ходим томонидан қабул қилинади.

Шу нарса эътиборга молики, «Ишонч телефонлари» орқали асосан ички ишлар органлари ходимларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилинади.

Агар келиб тушган ариза ва шикоятлар профилактика (катта) инспекторларининг хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш ҳолатлари билан боғлиқ бўлса, унда ИИВнинг 131-сонли буйруғининг 277-бандига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ҲООБлари хизмат текширувлари ўтказилишини ташкил этиш ва натижалари бўйича белгиланган тартибда хулосалар тайёрлаш ваколатига эга.

Бундан ташқари, буйруқнинг 276-бандига асосан шаҳар-туман ИИО ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғининг ўринбосари ҳам ушбу мурожаатлар бўйича хизмат текширувлари ўтказилишини ташкил этиш ҳамда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича раҳбариятга асосли таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Шаҳар-туман ИИО ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиғи эса буйруқнинг 275-банди билан хизмат ва ижро интизоми, қонун талабларини етарли ёки умуман бажармаган ёхуд бузган профилактика (катта) инспекторларини эса жазолаш бўйича ички ишлар органи бошлиғига ўрнатилган тартибда таклифлар киритиш ваколатига эга.

Борди-ю, текширув давомида «Ишонч телефонлари»га шахс ҳақида берилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангудек бўлса, у ҳолда мурожаат кўриб чиқилмайди.

Мурожаатни кўриб чиққан ички ишлар органининг масъул ходими мурожаат муаллифига кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ёзма шаклда хабар бериши шарт. Берилган жавобнинг нусхаси ички ишлар органида ўрнатилган тартибда сақланади. Жавоб юборилгандан кейин мурожаат уни назоратга олган шахснинг имзоси билан назоратдан чиқарилади ва бу ҳақда «Ишонч телефонлари» орқали келиб тушган мурожаатларни қайд этиш дафтарига ёзиб қўйилади.

Хизмат текширувини ўтказган масъул ходим мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши, шунингдек профилактика хизмати ходимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриши лозим.

Агар «Ишонч телефонлари» орқали берилган мурожаат кўриб чиқилгунига қадар ёки кўриб чиқиш жараёнида мурожаат юзасидан қарор қабул қилинганга қадар жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу мурожаат юзасидан ёзма ёхуд электрон шаклда ариза берилса, «Ишонч телефонлари» орқали берилган мурожаатнинг кўриб чиқилиши тўхтатилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан мурожаатларни қайтариб олиш ҳақида берилган ариза вазирлик ва вилоят ИИБлари соҳавий хизматлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва барта-раф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмайди.

ИИВнинг 2015 йил 19 апрель куни қабул қилинган **«Ички ишлар органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»**ги буйруғи билан ички ишлар органларида электрон ҳужжат

айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби белгиланган бўлиб, унинг доираси махфий бўлмаган хизмат ҳужжатларини жўнатиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлашга йўл қўйилиши билан чегараланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳам электрон ҳужжат мақомига эга бўлиши мумкин. Уларга ҳам электрон ҳужжатларга қўйиладиган умумий талаблар қўйилади. Ушбу талаблар буйруқнинг 7 ва 8-бандларида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги **«Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номани тасдиқлаш ҳақида»**ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Қўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, шунингдек давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаш йўлларида бири жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари эканлиги белгиланган. Бу эса мазкур мурожаатларни ўз вақтида, тўлиқ ва холисона кўриб чиқишни тақозо этади. Қўшма қарор айнан мазкур талабдан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги қонунининг тегишли нормаларини амалда қўллаш тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қўшма қарорда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ва давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига муайян ҳолатлар бўйича ички ишлар органларига хабар бериш мажбурияти юкланган. Бундан ташқари, ушбу органлар ва муассасалар нималар асосида ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаши, аниқланган ҳолатлар бўйича хабар бериш тартиби, усул ва воситалари ҳақидаги масалалар қўшма қарордан ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга**

*қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»*ги буйруғи ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Чунки, буйруқда терговга қадар текширув жараёнига алоҳида эътибор қаратилиб, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни оддий мурожаат сифатида рўйхатга олинishiга йўл қўйилмаслиги, терговга қадар текширув муддатини асоссиз ўтказиб юборган ёки текширувда асоссиз сансалорликка йўл қўйган ходимларга нисбатан кескин чоралар кўрилиши каби масалалар ўрин эгаллаган.

Жумладан, жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар томонидан жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал қилишнинг қонунийлиги қўшимча манбалардан маълумот олиб, солиштириш йўли билан ҳар ойда камида бир марта текширилиши, шунингдек бу борада тиббий муассасаларнинг қабул қилиш бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа манбалардан тегишли маълумотларни олиш ва уларни таҳлил қилиш амалиётини жорий этиш кабилар назарда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ички ишлар органлари профилактика хизматларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти бир қатор қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, комплекс тарзда тартибга солинади. Шу боис, мазкур йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни ўрганиш жараёнига ҳам комплекс ёндашиш талаб этилади. Акс ҳолда Конституциямизда белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконияти чегараланиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишда айрим муаммо ва камчиликлар юзага келиш мумкин.

## **II. ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ОИД МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

### **2.1. Профилактика хизматларининг маъмурий хуқуқбузарликларга оид муурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятининг мазмун-моҳияти ва ушбу фаолиятда қатнашувчи шахсларнинг тутган ўрни**

Профилактика хизматларининг жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятининг асосий қисмини маъмурий хуқуқбузарликка оид муурожаатлар ташкил этади. Гарчи, аксарият ҳолларда маъмурий хуқуқбузарликларнинг бевосита профилактика хизмати ходимлари томонидан аниқланиши кузатилса-да, бироқ бу муурожаатларнинг маъмурий хуқуқбузарликларга оид қисмини ўрганишни инкор этмайди.

Умуман олганда, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш хуқуқбузарликларга оид ишларни юритишнинг бир кўриниши бўлиб, жиноят ишини юритишдан ўзининг мазмуни, процессуал тартиби, босқичлари, иштирокчилари ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

Назария ва амалиётда «маъмурий-процессуал фаолият» тушунчаси мавжуд бўлиб, мазмун жиҳатдан иккига бўлинади:

1) *маъмурий иш юритиш*. Унинг мазмунини ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслари) томонидан маъмурий хуқуқ нормаларида белгиланган иш юритиш бўйича фармойиш бериш ҳаракатларини амалга ошириш ташкил этади;

2) *маъмурий юрисдикциявий фаолият*. Унинг мазмунини ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслари) томонидан юрисдикциявий ҳаракатларни амалга ошириш тартибида хуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкил этади<sup>1</sup>.

Маъмурий процесс, одил судлов (фуқаролик, жиноий, хўжалик) сингари, ҳокимият органи томонидан қандай масалаларнинг ҳал этилишига қараб бир неча турларга бўлинади. Ҳал этилаётган ишларнинг мазмуни бевосита маъмурий-процессуал шаклга ёки унинг айрим элементлари хусусиятларига таъсир кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Алимов Ҳ.Р. ва бошқ. Маъмурий хуқуқ: Дарслик. – Т., 2003. – Б.117.

Агар ҳар қандай процесс доирасида маълум бир ишлар ҳал этиладиган бўлса, унда махсус процессуал қоидаларнинг зарурати вужудга келади. Айнан мана шу хусусиятларга қараб процессда, унинг ўзига хос бўлган қисми – *иш юритиш* ажратилади. Давлат ҳокимияти органлари маълум бир маъмурий процесс доирасида турли ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкул. Шу боис, маъмурий фаолиятнинг ўзига хос турлари, яъни маълум бир ишларни ҳал этишнинг махсус процессуал қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндисини иш юритиш фаолияти ташкил этади. Масалан, шикоятларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини тайинлаш фаолиятлари кўп жиҳатдан умумий хусусиятларга эга, лекин бу фаолият турлари махсус қоидаларга ҳам мухтож бўлади. Буни маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, *маъмурий иш юритиш* – маъмурий процесснинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум бир ишни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Хуллас, маъмурий иш юритиш муайян сабаб мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Акс ҳолда иш юритув қонундан четга чиқилганлик ҳолати билан баҳоланади. Айнан ушбу сабаблардан бирини жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ташкил этади.

Шу ўринда «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасига тўхталиб ўтсак. Маълумки, амалдаги МЖТКнинг 10-моддасида «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади».

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш эса айнан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик ҳолатига асосланиб, тегишли органлар (мансабдор шахслар) томонидан қонунда белгиланган процессуал тартибда юритилади.

Энди «маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш» тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз. «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш» тушунчасига юқорида келтириб ўтилган хусусиятлардан келиб чиқиб қуйидагича

таъриф бериш мумкин, яъни «қонунга кўра махсус ваколатга эга тегишли органлар (мансабдор шахслар)нинг содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)да маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш, ҳуқуқбузар шахснинг айбдорлигини исботлаш учун далиллар тўплаш, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқбузар шахснинг қилмишига яраша жазо тайинлашини таъминлаш кабиларга қаратилган фаолиятни ўзида ифодаловчи маъмурий процессуал жараён».

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар объективлик, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда юритилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқишнинг асосий принципларидан бири объективлик бўлиб, бу нафақат ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаш, балки унинг объективлигини таъминлашни ҳам талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳолисона кўриб чиқилиши лозимлигини англатади.

Мазкур принципга мазмунан ёндашилса, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ишнинг барча ҳолатларини аниқлашлари шарт эканлиги намоён бўлади.

Объективлик ишга нисбатан адолатсизлик, тахминларга асосланган ҳолда жавобгарликка тортилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб гувоҳлик берадиган ҳолатларни менсимасликни истисно этади. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг объективлиги – ушбу процесс иштирокчиларига, уларнинг шикоятлари ва бошқа мурожаатларига нисбатан ҳурмат билан қарашни назарда тутаяди.

Амалиётда ушбу принципни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан бир қанча қафолатлар ўрнатилган (масалан, ҳуқуқбузарлик ишлари қайта кўриб чиқилиши мумкин), маълум бир ҳолатларда ишни кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахслар) ҳужжатларни талаб қилиб олиши, экспертиза ўтказиши ва бошқа чораларни кўриши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини қонун ҳужжатларига биноан ҳал этиш – маъмурий фаолиятда қонунийликни таъминлашнинг

асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур қоиданинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидан келиб чиқади, фуқаро фақатгина қонун ҳужжатларида кўрсатилган асосларда ва тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фуқароларнинг тенглиги, ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда, очиқ тарзда кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда кўриб чиқиладиган ишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши ҳам мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини кўзлаб амалга оширилади:

– ҳар бир ишнинг ҳолатини (мурожаатнинг мазмунини) ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив аниқлаб чиқиш, ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш;

– чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

– фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;

– қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳоказо.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, қонунийликни мустаҳкамлашни назарда тутди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатлар (ишлар) амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига асосан, ички ишлар органлари тизимидаги бошқа хизматлар сингари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари томонидан ҳам тегишлилигига кўра кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатларни кўриб чиқиш (ишларни юритиш)да жавобгарликка тортиладиган шахс, жабрланувчи, қонуний вакил, адвокат, гувоҳ, эксперт ва таржимондан иборат процесс иштирокчилари қатнашади.

Қонунда маъмурий жавобгарликка тортиладиган ёки ҳуқуқбузар шахсга нисбатан аниқ таъриф берилмаган. Бироқ, маъмурий ҳуқуқбу-



зарликка берилган таъриф, шунингдек маъмурий жавобгарликка тортиш ёши 16 ёшдан бошланишининг белгиланганлиги ҳамда маъмурий жавобгарликка тортишни истисно этувчи мавжуд ҳолатларнинг мазмуни қуйидаги таърифни шакллантириш имкониятини беради: *маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тақиқланган гайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этган 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс.*

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, изоҳ беришга, далиллар келтиришга, илтимос қилишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, иш юритилаётган тилни билмаган тақдирда ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят беришга ҳақли. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахс ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши мажбурий. Агар ҳуқуқбузарни ички ишлар органи ёки туман (шаҳар) судьяси чақирса-ю, лекин у келишдан бўйин товласа, у ҳолда мазкур шахс ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

*Жабрланувчи* – маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар кўрган, бошқача қилиб айтганда, ўзига нисбатан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича мурожаат этган шахс.

Жабрланувчи ўзига нисбатан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича давлат органларига мурожаат этиш, шунингдек мурожаатга асосан юритилаётган ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқиш, кўрсатмалар бериш, далиллар келтириш, илтимослар қилиш, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокат ёрдамидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлаш ва таржимон хизматидан фойдаланиш, маъму-

рий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқларига эга.

Иш юритуви давомида мансабдор шахс амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 295-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсни юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқлари билан таништириши шарт ва ундан ишга доир тушунтиришлар олиши мумкин.

*Қонуний вакил* – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний ёхуд руҳий камчиликлари бор бўлган маъмурий жавобгарликка тортилаётган ёки маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахснинг манфаатларини ифодалашга ваколатли шахс (ота-она, фарзандликка олувчи, васий, ҳомий).

Қонуний вакиллар маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг манфаатлари ифодаланган мурожаатларни амалга оширишга, иш материаллари билан танишишга, манфаатлари ифодаланаётган шахс номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқига эгадирлар.

*Адвокат* – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузар ёки унинг қонуний вакили ёхуд уларнинг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф қилинган, адвокатлик гувоҳномасига эга ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерга эга, шунингдек қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс.

Адвокат амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб қатнашиши мумкин. Қатнашувчи адвокат ишга оид барча материаллар билан танишиб чиқиш, илтимослар қилиш, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан мазкур шахс номидан ишга тегишли қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунда адвокат, жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибдан фарқли ўларок, мурожаат этувчининг (жабрланувчининг) ҳуқуқларини ҳимоя этмасда, баъзи ҳолларда сохта ёки уйдирма мурожаатларнинг объектив кўриб чиқилишини таъминловчи процесс иштирокчиси тариқасида намоён бўлади.

*Гувоҳ* – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаат (иш) бўйича аниқланиши керак бўлган бирор-бир ҳолатдан воқиф бўлиши

мумкинлиги бўйича ишга жалб этилган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтириш олинган шахс.

Гувоҳ амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 298-моддасига мувофиқ, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)нинг чақириғига биноан кўрсатилган вақтда келишга, ҳаққоний кўрсатмалар беришга, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсани баён қилишга ва қўйилган масалаларга аниқ жавоб беришга мажбур.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш» деб номланган 289-моддасининг иккинчи қисмида «холис гувоҳ» тушунчаси ишлатилган бўлиб, бу ҳолатда қонун чиқарувчи «холис» ҳақида сўз юритмоқдами ёки «гувоҳ» ҳақидами, буни англаш бир оз мушкул вазиятни келтириб чиқарган. Зеро, амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг «Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар»га бағишланган 6-бобида «холис» ва «гувоҳ» ўзининг индивидуал ҳуқуқ ва мажбуриятига эга бўлган процесснинг мустақил икки иштирокчиси тариқасида алоҳида-алоҳида моддаларида келтириб ўтилган. Айнан мазкур хусусиятни, қолаверса, гарчи қонунда қатнашчи сифатида алоҳида эътироф этилмаган бўлса-да, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юриштишда ҳам бир қатор процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида қатнашиши талаб этилишини инобатга олиб, «холис» сифатида талқин этилиши мақсадга мувофиқдир.

*Холис* этимологик мазмунига кўра ҳам, Жиноят-процессуал кодексда берилган таърифга кўра ҳам ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган шахс. У мансабдор шахс томонидан ўтказилган процессуал ҳаракат жараёни натижаларини тасдиқлаш учун қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб этиладиган процесс қатнашчиси.

Холислар камида икки нафар вояга етган фуқаролардан иборат бўлиши ва уларга мансабдор шахс томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши талаб этилади.

Холис маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш бўйича қонунда назарда тутилган муайян ҳаракатда иштирок этиш, ушбу процессуал ҳаракат бўйича расмийлаштириладиган баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш, ўзи иштирок этган процессуал ҳаракат баённомаси билан танишиш, мансабдор шахснинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Холислар, келтириб ўтилган ҳуқуқлар билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритувчи орган (мансабдор шахс)нинг чақирувига биноан ҳозир бўлишлари, процессуал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этишлари, шунингдек унинг ўтказилганлиги, ўтказиш жараёни ва натижаларини тузилган баённомага имзо чекиб тасдиқлаши каби мажбуриятларга ҳам эга бўладирлар.

Афсусуки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар» деб номланган XXII бобида холис ишда қатнашувчи шахс тариқасида келтириб ўтилмаган ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодаланмаган.

Бундан ташқари, амалиётда фуқароларни ишда холис тариқасида иштирок этишини таъминловчи ҳолатларни учратиш қийин. Шу боис, процессуал ҳаракатларни ўтказиш жараёнини холислар билан таъминлаш соҳасида бир талай муаммолар мавжуд. Бунинг учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортса, бунинг учун қонунда белгиланган маъмурий жавобгарликка тортилишига доир қондани киритиш мақсадга мувофиқ. Бу борада холисининг ҳаракатини милиция ходимларининг қонуний талабини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги деб топиб, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 194-моддаси билан маъмурий баённома тузилиши мумкин бўлган ҳолатни юзага келтириш таклифи илгари сурилади.

Холис ўзи иштирок этган процессуал ҳаракатни юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида тушунтиришлар бериши ҳам мумкин. У бундай ҳолларда гувоҳнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради.

*Эксперт* – маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланадиган, хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, шунингдек давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти сифатида фаолият юритаётган ходим ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёхуд бошқа жисмоний шахс.

Экспертлар комиссияси – экспертизани ўтказиш учун бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) суд-эксперт ихтисослигидан жалб этилган бир неча экспертдан иборат экспертлар гуруҳи.

Эксперт чақириқ бўйича келишга ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан объектив хулосалар беришга мажбур. Эксперт экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиб чиқишга, хулоса бериш учун зарур бўлган материалларни олишга, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс)нинг рухсати билан экспертизага оид саволлар беришга, ишни кўриб чиқиш вақтида қатнашишга ҳақли.

Эксперт бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, улар амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 299-моддасида тўлиқ ўз ифодасини топган.

Эксперт ёки экспертлар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд экспертлар комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади. Хулосани тузиш тартиби амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 299<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

*Таржимон* – иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган ёхуд қар ёки соқов бўлган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатма ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек бирор матнни бошқа тилдан таржима қилиш учун жалб этилган мутахассис.

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади. Таржимон мазкур орган (мансабдор шахс)нинг чақириғига биноан ҳозир бўлишга ва ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ва аниқ бажаришга мажбур.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида жалб этилган жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган таклифига биноан келиши муносабати билан қилган харажатлари қонунга асосан қопланади, яъни бу шахсларнинг иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланиб қолади.

Эксперт ва таржимон, хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллардан ташқари, ўз вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиши ҳам мумкин.

Хуллас, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида қатнашчиларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ, сифатли, ҳаққоний бажариши, шунингдек иш юритувчи орган (мансабдор шахс) томонидан уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари объектив кўриб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

## **2.2. Профилактика хизматларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятида далиллар ва уларнинг турлари**

Ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш жараёнида, юқорида таъкидланганидек, тегишли органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди. Бу каби аниқланадиган ҳолатларга яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жавобгарликни вужудга келтириши;
- мулкӣ зарар келтирилганлиги ва миқдори;
- маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;
- ҳуқуқбузар тўғрисидаги, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар;
- ишни тугатишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган ҳар бир ҳолат мавжудлигининг аниқланиши муайян далилий манбалар асосида амалга оширилади. Далил фақат шахснинг айбдор ёки айбсизлигини исботлаш эмас, балки айнан иш учун аҳамиятли бўлган ҳар бир ҳолатни аниқлаш, мурожаатнинг асосли ёки асоссиз эканлигига ойдинлик киритиш учун ҳам тўпланади, текширилади ва баҳоланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) далилларни баҳолайди, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама тўла-тўқис ва объектив текшириб чиқади.

*Далиллар* – маъмурий ҳуқуқбузарлик ишига оид бўлган барча фактик маълумотлар. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тор-

тилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, ашё ва хужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан аниқланади.

Юқоридагилар билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхта-тиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баён-нома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъму-рий йўл билан ушлаб туриш ва транспорт воситаларини кўздан кечи-ришга ҳам йўл қўйилади.

Муайян орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг барча ҳолат-ларини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан, қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома* – шахс томони-дан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганининг расмий ифодаси бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддаси-да белгиланган тартибда ваколатли орган (мансабдор шахс) томони-дан тузиладиган, унда ким, қачон, қайси турдаги маъмурий ҳуқуқбу-зарлик содир этгани, ушбу ҳолатни тасдиқловчи гувоҳ ёки холислар ва уларнинг имзолари ҳамда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик-нинг тафсилоти каби маълумотлар акс этадиган процессуал ҳужжат.

Баённомада у тузилган сана ва жой, уни тузган шахснинг лаво-зими, фамилияси, исми, отасининг исми, ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат, агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари, ҳуқуқбузарнинг тушунтириши, шунингдек ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Агар ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома саводли, хатосиз ёзилиши, тушунчалар аниқ ва рагон баён этилиши зарур. Баённоманинг тузилган вақти ва жойи, тузувчи-нинг ҳамда унда тилга олинаётган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими, манзили, маъмурий ҳуқуқбузар-

лик содир этилган жой, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат, ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар аниқ кўрсатилиши керак. Баённомага уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар иш юзасидан гувоҳ ва жабрланувчилар бўлса, улар ҳам имзо чекадилар.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини билдиришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш пайтида ҳуқуқбузарга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Агар содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатни кўриб чиқиш профилактика инспекторининг ваколат доирасига кирмаса, баённома ишга алоқадор бошқа ҳужжатлар ва ашёвий далиллар билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш (мурожаат)ларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда баённома тузишнинг иложи бўлмаса, профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузар ички ишлар органи биносига ёки милиция таянч пунктига, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келиниши мумкин.

Профилактика инспекторларининг маъмурий баённома билан ишлаш тартибига оид яна қуйидаги бир қатор тартиб-қоидалар ҳам мавжуд:

– тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомалар ва баённомаларнинг корешок (қирқма қисм)ларига доир ҳисобот қатъий тартибда олиб борилади. Уларни тайёрлашда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар доирасида маъмурий баённомаларнинг бир хил рақам тартиби ва сериялари бўлиши шарт.

– профилактика инспекторлари тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомалар ва маъмурий баённомаларни қайд этиш китоблари билан Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБлари томонидан таъминланади;



– тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомаларни олиш, сақлаш, ҳисобини юритиш қатъий тартибда олиб борилади. Ушбу бланкаларнинг ҳисоботи маъмурий баённомаларни қайд қилиш ва кирим-чиқим китобига, профилактика (катта) инспекторлари томонидан тўлдирилган маъмурий баённомалар эса ҳуқуқбузарларга нисбатан тузилган маъмурий баённомаларни қайд этиш китобига қатъий тартибда қайд этиб борилади (*Изоҳ*: тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомаларни олиш, тарқатиш ва қайд қилиш шаҳар ва туман ички ишлар органлари ҲООБларида профилактика инспекторлари учун алоҳида юритилади. Ҳар бир олинган маъмурий баённомани тарқатиш ва қайд қилиш ҳисоботи ойма-ой ўсиб борувчи тартибда олиб борилади ва ҳар ойда қанча маъмурий баённома тарқатилди ва олдинги ойдан қанча маъмурий баённома қолганлиги ҳамда профилактика инспекторлари томонидан нечта баённома тузилганлиги тўғрисида ва солинган жарима миқдори қанча сўмни ташкил этиши, жарима тўланмаган ҳолатдаги сабаблар маъмурий баённомаларни тарқатиш китобида кўрсатилиши шарт);

– маъмурий баённомаларнинг корешоги (қирқиш қисми) алоҳида йиғма жилдларга ойма-ой тикиб борилади ва уларнинг ҳисоби (баланси) маъмурий баённомаларни тарқатиш ва қайд қилиш китобларидаги ҳисоботларга тўғри келиши шарт;

– маъмурий баённомаларнинг корешок (қирқма қисм)ларини тикиш йиғма жилдлари, маъмурий баённомаларни тарқатиш ва қайд қилиш китоблари ҳар чоракда шаҳар ва туман ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари томонидан назорат тариқасида текширилиб, камчиликлар, таклифлар ёзма равишда кўрсатилиб борилади. Бу ҳақда йиғмажилдда, тарқатиш ва қайд қилиш китобларида уларнинг кўрсатмалари қайд қилинади;

– маъмурий амалиётга масъул ходим бошқа ишга ўтса ёки ички ишлар органларидан бўшатиб, тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомаларнинг ўша кунги ҳолати бўйича далолатнома тузилади. Далолатнома тузишда комиссия аъзолари 3 кишидан кам бўлмасликлари керак ва далолатномада маъмурий баённомаларнинг аниқ ҳисоботи кўрсатилиши шарт (агар объектив сабабларга кўра маъмурий баённомалар учун масъул ходим йўқ бўлса, унинг иштирокисиз тезда далолатнома тузилиб, бошқа масъул ходим бу фаолиятни олиб бориш учун тайинланиши шарт);

– агар объектив сабабларга кўра тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомалар сони тугаб қолса, тартиб рақамига эга бўлмаган

баённомаларга тартиб рақами қўйилиб, улар маъмурий баённомаларни қабул қилиш китобида қайд қилиниши керак;

– маъмурий баённомаларни қабул қилиш, тарқатиш ва уларни қайд қилиш китоблари ҳамда баённомаларнинг қорешок (қирқма қисм)ларини тикиш йиғмажилдлари, шаҳар-туман ИИБ котибиятида қайд қилинади ва улар тўлгандан сўнг шаҳар-туман ИИБ котибиятларига белгиланган тартибда топширилади;

– маъмурий баённомаларни қабул қилиш, тарқатиш ва қайд қилиш китобларини юритиш ИИБ бошлиғининг буйруғи билан масъул этиб тайинланган ходим томонидан олиб борилади (улар катта иш юритувчи, маъмурий амалиётга жавобгар шахс, старшина ёки шаҳар-туман ИИБ шахсий таркибидаги бошқа ходимлар бўлиши мумкин);

– маъмурий амалиёт учун масъул бўлган шахс профилактика инспекторларидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённома ва ҳужжатларни олишда маъмурий баённоманинг (қорешоги) қирқма қисмига қўл қўйиб, қабул қилиб олади;

– маъмурий ҳуқуқбузарликларни қайд этиш китобига баённомалар қайд этилганидан сўнг улар бошқа хизматлар йиғмажилдига тикиш ёки чора кўриш учун юборилади (ХЧК ва ФБ, ПП ва ЖТСХ, ёнғин хавфсизлик хизматида), бу ҳақда баённомаларни олган ходим китобга имзо қўяди;

– агар баённома бошқа соҳа хизматларига юбориладиган бўлса, махсус кореспонденция ёки тарқатиш китоби орқали юборилганлиги тўғрисида китобнинг 8-бандига ҳамда маъмурий баённоманинг қирқма қисмига белги қўйилади;

– қабул қилинган қарор тўғрисидаги белги маъмурий баённома қирма қисми (қорешоги)нинг орқа томонига қўйилади;

– профилактика инспектори ҳар ойнинг охирида яроқсиз ҳолга келган бланкалар ва маъмурий баённомаларнинг қирқма қисмини ушбу бланкаларни сақлаш, бериш ва ҳисоботини олиб борувчи масъул ходимга топширади ва бу ҳақда бланкаларни кирим-чиқимини қайд этиш китобига қайд этиб боради. Ҳар бир яроқсиз ҳолга келган маъмурий баённома тўғрисида ИИБ бошлиғига маълум қилинади ва ушбу ҳолат юзасидан ИИБ бошлиғининг рухсати билан яроқсиз ҳолга келган бланкалар бекор қилинади;

– профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тўлдирилган баённома юзасидан қабул қилинган қарор зудлик билан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга етказилади ва жарима тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш берилади;

– профилактика инспектори томонидан тузилган маъмурий баён-нома бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган шахс номидан жамғарма банкига бориб жарима тўланиши қатъиян ман этилади;

– маъмурий амалиёт учун масъул ходимга 7 кун ичида тўлдирилган тартиб рақамига эга бўлган маъмурий баённомалар топширилади;

– агар солинган жарима 15 кун ичида ундирилмай қолса, жарима солиш тўғрисидаги қарор ҳуқуқбузарнинг иш ёки нафақа олиш жойига мажбурий тартибда ундириш учун юборилади;

– агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, нафақаси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади (МЖТКнинг 332, 333-м);

– профилактика (катта) инспекторларининг хизмат жараёнида тартиб рақамига эга бўлмаган маъмурий баённома билан ишлаши қатъиян ман этилади. Бундай ҳолларда уларга нисбатан белгиланган тартибда хизмат текшируви ўтказилади;

– маъмурий амалиёт ишларини юритувчи ходим бу йўналишда олиб борилган ишларни умумлаштириб, ҳар ойда ИИБ раҳбариятига ахборот бериб боради.

*Маъмурий йўл билан ушлаб туриш* – бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида шахсни ушлаб туриш.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш шахсга ёки транспорт воситасига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида маъмурий йўл билан ушлаб туриш таъсир чорасига тушунча берилмаган бўлса-да, унинг 286–288-моддалари мазмуни шахсга нисбатан қўлланилган ушбу таъсир чорасига – шахсни қисқа муддатли эркинлигини чеклаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни тўғри ва ўз вақтида

кўриб чиқиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан чиқарилган қарор ижросини таъминлашдан иборат алоҳида ҳолларда кўлланиладиган маъмурий таъсир чораси, деб таъриф беришга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 287-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколатига эга.

Ҳуқуқбузар иложи борича қисқа муддатда ички ишлар бўлимига олиб келиниши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳар жихатдан тўлиқ ва адолатли ҳал этиш учун ҳуқуқбузар маъмурий йўл билан ушлаб турилиши, яъни шахсан кўрикдан ўтказилиши, кийим-кечаклари кўздан кечирилиши, ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқбузарнинг маъмурий йўл билан ушлаб турилиши тўғрисида баённома тузилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш баённомасида қуйидагилар бўлиши лозим:

- баённома тузилган сана ва жой;
- баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- ушлаб туриш вақти, жойи ва асослари;
- баённомани тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахснинг имзолари.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият, вояга етмаган шахс ушлаб турилганида эса унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар бу ҳақда албатта хабардор қилинишлари шарт ва бу баённомада қайд этилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузар баённома тузиш учун олиб келинган пайтдан (маст ҳолдаги шахслар учун улар ҳушёр тортган вақтдан) бошланади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш зарурати вужудга келганда эса, ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиниб уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи хуж-

жат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб туриш мумкин.

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг мурожаатларни кўриб чиқишдаги аҳамияти шундаки, ушбу процессуал ҳаракат орқали маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилиниши таъминланади.

*Тушунтириш хати* – муайян маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳолат ёки ишга алоқадор деб ҳисоблаган маълумотлар, яъни маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, шунингдек жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатмалари акс этган процессуал ҳужжат.

Жабрланувчининг тушунтириш хатида, у қилган мурожаат (ариза)дан фарқли ўлароқ, ҳодиса тафсилоти атрофлича ёритилади

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш) юзасидан тегишли орган (мансабдор шахс) ҳодиса шохидлари ёки ишга тааллуқли бошқа шахсларни сўровдан ўтказиб, улардан ёзма равишда тушунтиришлар олиши мумкин. Мазкур тушунтиришлар тушунтириш хатлари орқали расмийлаштирилади.

Афсуски, тушунтириш хати процессуал ҳужжатини расмийлаштириш қонунда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўз ифодасини топмаган. Бироқ, шу кунгача амалиётда амалиёт ходимлари томонидан тушунтириш хатларини расмийлаштиришнинг ўзига хос тартиби шаклланган.

Тушунтириш хати орқали расмийлаштирилган маълумотлар мавжуд бошқа маълумотларга зид келмасагина маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ёки рад этиш, шахснинг айбдорлиги, айбдорга жазо тайинлаш каби масалаларни ҳал қилиш учун далилий аҳамиятга эга маълумот сифатида хизмат қилади.

Тушунтириш хатларида: тушунтириш кимнинг номига берилаётганлиги (лавозими, унвони ва Ф.И.Ш.), тушунтириш берувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, шарифи, туғилган жойи ва санаси, иш жойи, лавозими, унвони, яшаш жойи), ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тушунтирилганлиги (гувоҳ, ҳуқуқбузар ёки

жабрланувчи сифатида), ҳолат ёки иш юзасидан унга маълум бўлган маълумотларнинг тавсифи, тушунтиришларга аниқлик киритиш мақсадида берилган қўшимча саволлар (кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар бериш тақиқланади) ва уларга жавоблар, тушунтириш берувчининг тушунтириш хатини ўз сўзидан ёки ўз қўли билан ёзилганлиги, тушунтириш хатини олиш жараёнига бўлган муносабат (эътироз бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаши, тушунтириш хати олинган сана ва тушунтириш хати олувчининг имзоси акс эттирилади. Башарти, тушунтириш хати бир неча саҳифадан иборат бўлса, тушунтириш берувчи ҳар бир саҳифага алоҳида имзо чекади, агар таржимон иштирок этган бўлса, у ҳолда таржимон ҳам худди шу тартибда имзо чекади.

Олинган тушунтириш хатлари орган (мансабдор шахс) томонидан ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларга қўшилади.

*Эксперт хулосаси* – суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилиши ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолатларда тайинланади.

Корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахснинг эксперт тариқасида иштирок этишга жалб этишда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлигига, шунингдек қасдан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаганлик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Эксперт хулосаси, айниқса, енгил тан жароҳати етказиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ мурожаатларнинг кўриб чиқилишида муҳим аҳамият касб этади.

Эксперт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметига оид саволлар бериш;

– ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

– ўз хулосасида нафақат олдида қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

– унинг хулосаси ёки кўрсатмалари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

– агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатмалар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

– агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Юқоридагилар билан бир қаторда экспертлар қуйидаги мажбуриятларга эга:

– ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, олдида қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холис ёзма хулоса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши;

– ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатмалар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

– экспертиза ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

– тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари сақланишини таъминлаши;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя қилиши шарт.

Суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд эксперт-

лари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Эксперт хулосасида қуйидагилар ўз аксини топади:

– суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;

– суд экспертизасини ўтказиш асоси;

– суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;

– суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

– суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

– суд эксперти олдига қўйилган саволлар;

– суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;

– суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

– қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

– текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

– иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми ҳисобланади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.



Агар такдим этилган текшириш объектлари, материаллар ёки суд экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

*Ашёвий далиллар* – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса. Бундай ашёларга ов қуроли, порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари ва кино-видео фильмлар акс эттирилган видео ва овоз ёзилган материаллар, кино-фото материаллар ёки қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган этил спирти, алкоғолли, тамаки маҳсулотлари ва бошқалар мисол бўла олади.

Бундан ташқари, иш юритув давомида шахслардан муайян турдаги ҳужжатлар ҳам олиб қўйилиши мумкин (буларга овчилик ёки ҳайдовчилик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, қасдан яроқсиз ҳолатга келтирилган фуқаролик паспорти, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан қонунга хилоф равишда тайёрланган ёки тарқатилган оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин).

Мазкур ашёлар шахснинг айбдорлигини исботлашда муҳим аҳамият касб этади. Айрим ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашё маъмурий жазо тариқасида ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши ҳам мумкин.

Ҳуқуқбузарни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё ва ҳужжатлар маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколатига эга шахслар томонидан олиб қўйилади ва бу ҳақда шахсни ушлаб туриш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш баённомасида қайд этилади ёки «Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш» баённомаси тузилади.

*Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш* – маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тўла ва холисона юритиш, жарима ундирилиши ва етказилган зарарнинг қоплалинишни таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда мусодара қилиш ёки муайян муддат сақлаш учун ишга алоқадор ашё ва ҳужжатларни олишнинг процессуал жараёни.

Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйишда камида икки нафар холис иштирокида баённома расмийлаштирилади.

Олиб қўйиш жараёнида ашё ва ҳужжатлар кўздан кечирилади, унинг хусусиятлари (тури, русуми, ҳажми, ранги, миқдори каби) баённомада ўз аксини топади, ўралиб, муҳрланади ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилгунга қадар ички ишлар органининг далилий ашёларни сақлаш хонасида сақлаш учун масъул ходимга топширилади.

Ишни кўриб чиқиш натижаларига қараб, олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса, сотиб юборилади.

Агар олиб қўйилган ашёлар орден, медал, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони бўлса, унда улар қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Айрим ҳолларда божхона қоидалари ёки солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилса ва ҳуқуқбузар шахс Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, у ҳолда жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

*Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш* процесуал ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 289-моддасига асосан амалга оширилади.

Шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органлари, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспорти, божхона органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевоқиф назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилади, акс ҳолда қонун талаблари бузилган деб топилади.

Агар профилактика хизмати ходими эркак жинсига, кўрикдан ўтказилаётган шахс аёл жинсига мансуб бўлса, у ҳолда аёл жинсидаги ходима, маҳалла фаоллари ёки бошқа шахс шахсни кўрикдан ўтказиш учун жалб этилиши мумкин. Ушбу вазиятда профилактика инспектори томонидан уларга шахсни кўрикдан ўтказиш мақсади ва тартиби ҳақида тушунтирилади. Шу тариқа шахс кўрикдан ўтказилади, про-

филактика инспектори эса бу ҳақда баённомани расмийлаштиради ва баённома барча қатнашчилар томонидан имзоланади.

Шахсни кўриқдан ўтказиш жараёнида унинг уст-боши (кийим-кечаги), ёнида бўлган нарса-буюм ва ҳужжатлар обдон текширилиши, топилган ашёлар тўлиқ кўздан кечирилиши шарт.

Ашёларни кўздан кечириш процессуал ҳаракати ҳам ички ишлар органлари профилактика хизматининг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади. Ашёлар билан бир қаторда транспорт воситалари ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу кўпинча йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳолатларда амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, амалиётда кўздан кечириш билан боғлиқ айрим муаммоли ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, одамлар ўлими билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳодиса маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши ва ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилиши лозим. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш истисно этилиб, фақат ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш тартиби қайд этилган. Ушбу ҳолатда ҳодиса содир бўлган жойни жиноят-процессуал тартибда кўздан кечириш мантиққа зид саналади. Шу боис, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришнинг процессуал тартибига амал қилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда мазкур ашёлар ва буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита ҳолис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Кўпчилик ҳолатларда шахсни ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш жараёни ва натижалари битта баённомада қайд этилади. Бироқ, маъмурий ҳудудни кўздан кечириш ёки муайян тадбирни ўтказиш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ашёлар ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида расмийлаштирилиб, олиб қўйилиши шарт.

Олиб қўйилган ашёлар (қимматбаҳо буюмлар) юқорида келтирилган тартибда сақланади, шунингдек белгиланган тартибда мусода-

ра қилиниши ёки эгасига қайтарилиши, йўқ қилиниши ёхуд етказилган зарарни қоплаш ёки белгиланган маъмурий жариманинг ундирилишини таъминлаш мақсадида олиб қўйилиши мумкин.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларини кўздан кечириш жуда зарур ҳоллардагина қўлланилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурор ёки судга шикоят бериши мумкин.

*Мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсни текширувдан ўтказиш* – транспорт воситаларини бошқараётган шахсни мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлганда, мастлик ҳолатини аниқлаш ва транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган текширув жараёни.

Текширув натижаси ифодаланган ҳужжат шахсининг қилмишини ҳуқуқий квалификация қилишда (масалан, МЖТКнинг 131-моддасида назарда тутилган «Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш» ҳуқуқбузарлиги сифатида) ёки муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш маъмурий жазосини қўллашда асос ёки далил сифатида фойдаланилувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган ашёвий далиллар, процессуал ҳаракат ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ларни кўриб чиқишда далиллар базасини ташкил этади ва белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда олинса ҳамда расмийлаштирилсагина далил тариқасида эътироф этилади. Ва бу маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат юзасидан асосли ва адолатли қарор қабул қилиниши учун хизмат қилади.

### **2.3. Профилактика хизматларининг мурожаатларга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти**

Юридик адабиётларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни «юритиш» ва «кўриб чиқиш» тушунчалари ишлатилади. Ай-

римлар ушбу тушунчаларни бир хил маънога эга деб ҳисоблашса, баъзилар эса улар мазмун ва ҳажм жиҳатидан фарқланади, деган фикрни билдиришади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўзгатишдан маъмурий жазо қўлланилишигача бўлган жараённи ўз ичига қамраб олади. Ушбу жараён, ҳаттоки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш, шунингдек маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки протест бўйича кассация инстанцияси судида кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш эса мазкур иш юритувининг муайян бир босқичи саналади ва ўз ичига фақат қонун билан ваколат берилган орган (мансабдор шахс)нинг маълум бир маъмурий ҳуқуқбузарлик тури бўйича уни содир этган ҳуқуқбузар шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартиб ва қоидаларга асосан муайян қарор қабул қилишини назарда тутлади. Мисол учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган «Енгил тан жароҳати етказиш» маъмурий ҳуқуқбузарлиги содир этилган бўлса, ушбу ҳолат бўйича дастлабки процессуал ҳужжатларни профилактика инспекторлари расмийлаштириши, сўнгра кўриб чиқиш учун маъмурий ишлар бўйича судларга такдим этиши талаб этилади. Бу борада профилактика инспекторларининг ҳам, судларнинг ҳам фаолияти маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш ҳисобланади. Бироқ, фақат судларнинг фаолияти маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ларни кўриб чиқиш мазмунига эга, чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида унинг 52-моддасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқиши белгилаб қуйилган. Демак, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ларни «кўриб чиқиш» «юритиш» тушунчасидан тор тушунча ҳисобланади. Бироқ, профилактика инспекторлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан, тўққиз турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича «иш юритув» билан бирга «кўриб чиқиш»ни ҳам амалга оширадилар.

Аслини олганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш, қачонки, бу ҳақда иш кўзгатилсагина «иш» мақомига эга бўлади, акс

ҳолда ушбу жараёни фақатгина маъмурий ҳуқуқбузарликка оид муурожаатларни кўриб чиқиш деб эътироф этиш лозим.

Умуман олганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)» деб номланган учинчи ва «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш»га бағишланган тўртинчи бўлимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ-нинг 2001 йилдаги 328-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича йўриқнома»га асосан юритилади ва кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори ҳам бу йўналишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг учинчи бўлими «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)»га бағишланган бўлиб, унда уларнинг тоифалари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасида ички ишлар органлари, хусусан профилактика (катта) инспекторлари кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифалари белгилаб берилган.

Агар бир неча маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, улардан бирортасининг судга тааллуқлиги аниқланса, улар суд томонидан кўриб чиқилади. Шунингдек, шахс томонидан бир нечта ҳуқуқбузарлик содир этилганда бундай ишлар оғирроқ жазо чораси белгиланган ҳуқуқбузарлик иши кўриладиган орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан ҳужжатлар профилактика (катта) инспектори томонидан расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддасига асосан тегишли органга юборилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2000 йил 15 сентябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. – Т., 2000. – 16-б.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тақиқланган қилмишларни содир этган 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилади.

Профилактика инспекторига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат амалга оширилган бўлса ёки унинг шахсан ўзи маъмурий ҳудудда содир этилаётган ғайриҳуқуқий қилмишни аниқласа, аввало, шахсдан ғайриҳуқуқий қилмишни тўхтатишни талаб қилади, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлайди, маъмурий ҳуқуқбузарлик гувоҳларини топиб, уларнинг кўрсатмаларни олиш ҳамда иш учун зарур ва унга алоқадор бошқа ҳолатларни аниқлаш чораларини кўради.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш муддатлари.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ҳар бир ҳолатни ўз вақтида аниқлаш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя этишни назарда тутаяди.

Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқишга доир муддатлар алоҳида-алоҳида тартибда белгиланган. Мисол учун, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида маъмурий жазо қўлланиш муддатлари ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб **бир йилдан** кечиктирмай қўлланиши белгиланган.

Шуни нарсага эътибор қаратиш керакки, муддатнинг бошланиши маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат амалга оширилган сана билан эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир этилган кун билан белгиланмоқда.

Давом этаётган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳуқуқбузарлик аниқланган кун деганда, ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилинган ёки маъмурий баённома тузилган санани тушуниш керак.

Мазкур мантиқдан келиб чиқилса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритуви айнан назарда тутилган **бир йил муддат** ичида амалга оширилиши талаб этилади. Муддатнинг бир йил этиб белгиланишига сабаб шуки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 269-моддасида «ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш ва чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш» маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифаларидан бири сифатида келтириб ўтилган ва бу қарор ижросининг таъминланишини

иш юритишнинг таркибий қисми тариқасида эътироф этишни тақазо этади.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб **бир ойдан** кечиктирмай қўлланилиши талаб этилади.

Борди-ю, жиноят ишини юритиш жараёнида жиноят ишининг бир қисми сифатида маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатлар ажратилиб, ИИБ Котибияти орқали чора кўриш учун туман ИИБ ҲООБ-га юборилган бўлса, у ҳолда муддат терговчининг жиноят ишининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид қисмини ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади ва **бир ой** этиб белгиланади.

Хуллас, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритуви маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида мурожаат ёки бошқача тарздаги хабар келиб тушган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, иш қўзғатилган ёхуд маъмурий баённома тузилган пайтдан бошланиб, ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қарор қабул қилингунга қадар бўлган вақтни ўз ичига қамраб олади. Бу исботлашга доир процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш асосида текширувни амалга ошириш жараёнини ҳам ўзида мужассам этади. Кўриниб турибдики, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни «юритиш» «кўриб чиқиш»га қараганда нисбатан кенг-роқ тушунча ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш эса, асосан юқори турувчи инстанция ёки суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш билан танишиб чиқиш ва ваколати доирасида қарор қабул қилиш жараёнини ўзида ифодалайди.

Чунончи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб **ўн беш кунлик** муддат ичида кўриб чиқилади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup>, 51<sup>6</sup>, 51<sup>7</sup>, 51<sup>8</sup>, 51<sup>9</sup>, 170, 180, 181, 183, 184, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида, 164-моддасининг иккинчи қисмида,



201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар *уч сутка* ичида ва 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса *беш сутка* ичида кўриб чиқилиши талаб этилади.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга кўра, яъни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузиб, дастлабки ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайдан бошлаб *бир суткадан* кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси бўйича, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахсга юборади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш.* Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритувининг биринчи босқичи ишни қўзғатишдир. Мазкур босқичда профилактика инспектори, одатда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича йўриқнома»га асосан ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Бироқ, маъмурий баённома тузиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди дегани эмас, чунки содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан ҳар доим ҳам маъмурий баённома тузилавермайди. Масалан, фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан, йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги ишлар юзасидан эса фақат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда (*транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилганда*) ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Ушбу ҳолатда айбдорга жарима тўлаш тўғрисида белгиланган шаклдаги квитанция берилади. Борди-ю, фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз

билдирса, у ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

Умуман олганда, профилактика инспектори ушбу босқичда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатишни рад этиш, қўзғатиш ёки қўзғатилган ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Бундан ташқари, қонунларимизда айрим маъмурий ҳуқуқбузарлик турларининг бир йил мобайнида бир шахс томонидан такроран содир этилиши Жиноят кодексига белгиланган жиноий жавобгарликнинг келиб чиқишини назарда тутди. Яна шундай маъмурий ҳуқуқбузарликлар борки, етказилган моддий зарарнинг миқдори ёки шахсга тан жароҳати етказилган ёхуд етказилмаганлигига қараб жиноий ҳуқуқбузарликдан фарқланади. Ушбу ҳолатларда жиноят аломатлари бор ёки йўқлиги батафсил текширилиши лозим. Амалиётда судлар томонидан айнан шу каби ҳолатлар юзасидан ҳуқуқий тўхтамга келиш ва бу ҳақда нафақат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш, балки жиноят ишини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам талаб этилади.

Юқорида келтирилганлар ҳамда қонун талабларига асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш масаласига қуйидагича ёндашиш талаб этилади.

*Биринчиси*, содир этилган ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича маъмурий баённома тўлдириш ва унинг қарор қисмини қуйидагича шакллантириш тавсия этилади:

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилсин ва иш юритувга олинсин;

– маъмурий жазо тайинлансин (ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик иши тегишлигига кўра кўриб чиқиш учун юборилсин).

*Иккинчиси*, маъмурий ишлар бўйича туман судлари кўриб чиқадиган ва таркибида жиноят аломатлари бўлиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан қарор қисмини қуйидагича шакллантириш тавсия этилади:

– жиноят ишини қўзғатиш рад этилсин;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилсин ва иш юритувга олинсин.

Юқорида келтирилган биринчи ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш масаласи маъмурий баённоманинг қарор қисмида, иккинчи ҳолатда эса алоҳида қабул қилинадиган «Маъму-

рий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишни қўзғатиш тўғрисида қарор»да ифодаланиши назарда тутилмоқда.

Шундай ҳолатлар борки, унда нафақат жиноят иши, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини қўзғатишни рад этиш талаб этилади. Мисол учун, туман шифохонасининг хабарномасига асосан, шахс енгил тан жароҳати олган ҳолда шифохонага олиб келинган. Натижада ушбу хабарнома асосида тан жароҳати олиш ҳодисаси тўлиқ ўрганиб чиқиши ва ҳодиса таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати бор ёки йўқлигини аниқлаб, бу ҳақда қонуний тўхтамга келиш, агар ҳодиса таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати йўқ бўлса, унда бу ҳақда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-қисм 1-бандига асосан «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор» қабул қилиш керак бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасига асосан яна қуйидаги ҳолатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этади:

– маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги;

– ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахснинг ақли норасолиги;

– шахс қилмишни зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида содир этганлиги;

– маъмурий жазо чораси қўлланишини бекор қилишни назарда тутувчи амнистия актининг чиқиши;

– маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжатнинг бекор қилинганлиги;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ишни кўриб чиқиш муддатининг ўтиб кетганлиги;

– маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарганлиги ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарорнинг бекор қилинмаганлиги, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатилганлиги;

– шахснинг вафот этганлиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан сўнг текширув ишлари амалга оширилиб, қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатлар асосида далиллар тўпланadi. Далиллар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасида кўрсатилган

воситалар, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсининг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар асосида тўпланади.

Мурожаатларга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш ва кўриб чиқиш вақтида:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлиги;
- ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жой;
- мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслиги;
- унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслиги;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлиги;

– мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганлиги ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга лойиқ бошқа ҳолатлар аниқланиши лозим. Акс ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик принципларига амал қилинмаганлик ҳолати келиб чиқади.

Профилактика инспекторлари юқоридагилар билан бирга, ҳуқуқбузарнинг шахси ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни ҳар томонлама синчковлик билан аниқлашлари шарт.

Мансабдор шахс, суриштирув органлари ва судьялар ҳуқуқбузарнинг шахси ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор беришлари, яъни ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, маълумоти, доимий ёки вақтинча яшаш жойи, оилавий аҳволи, қарамоғида бўлган шахслар сони ва ёшлари, муқаддам судланган-судланмаганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилаётган кунга қадар охирги бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлиги, машғулот тури, лозим деб топилган ҳолларда соғлиғининг ҳолатини аниқлашлари лозим.

Тақдим этилган ҳужжатларда унинг шахси ҳақидаги маълумотлар етарли бўлмаса, судья ўз ташаббуси билан у ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиш чораларини кўриши мумкин.

Далиллар тўпланиб, юқоридаги ҳолатларга аниқлик киритилгач, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ва унда шахсининг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чекланмасдан, заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс,

жабрланувчи (мурожаат этувчи) ва гувоҳларни чақириш, экспертизалар тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари томонидан мурожаатларга асосан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг қуйидаги шаклларда кўриб чиқилиши кузатилади:

– шахсан профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиши;

– ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиши;

– маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиши;

– тегишлилиги бўйича ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ёки бошқа орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилиши.

Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган ваколат доирасида умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс иммунитетга эга бўлган чет эл фуқароси бўлса, унда унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ларни кўриб чиқиш жойи этиб қуйидагилар белгиланади:

– ҳуқуқбузарлик содир этилган жой;

– ҳуқуқбузар истиқомат қиладиган жой;

– айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича транспорт воситалари рўйхатга олинган жой.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)лар бошқа жойларда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ни кўриб чиқиш учун тайёрлашда тегишли орган (мансабдор шахс) қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:*

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш-кирмаслигини;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлигини;

- 3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлигини;
- 4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлигини;
- 5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ларни кўриб чиқиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 306-моддасига мувофиқ, шу ишни кўрувчи коллегиял органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади. Ишни кўриб чиқувчи коллегиял органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида қатнашувчи шахслар ахбороти тингланади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси тингланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида»-ги 2000 йил 15 сентябрь қарорига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда мансабдор шахс, суриштирув органи ва судьялар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 307-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга, ҳуқуқбузарнинг шахси ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни ҳам ҳар томонлама ва синчковлик билан аниқлашлари шарт.

Ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ва унда шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чегараланмасдан заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириш, экспертизалар тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)нинг кўриб чиқилиши ҳақида тегишли орган томонидан баённома тузилади. Мазкур баённома ички ишлар органлари томонидан тузиладиган маъмурий баённомадан шакл жиҳатдан фарқ қилиб, у одатда маъмурий ишлар

бўйича судлар ёки туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар мажлисида тузилади. Ушбу баённомада:

1) мажлис бўлган сана ва жой; 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби; 3) кўрилаётган ишнинг мазмуни; 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги; 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг изоҳлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларнинг натижалари; 6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар; 7) қабул қилинган қарорни эълон қилиш тўғрисидаги маълумотлар ва унинг устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилади.

Тегишли орган мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилувчи, котиб ва ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаат (иш)ни кўриб чиққан орган (мансабдор шахс) иш юзасидан қарор қабул қилади. Ушбу қарор ҳам профилактика инспекторлари томонидан қабул қилинадиган қарордан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқланади. Чунки, профилактика инспекторлари бу борада ИИВ томонидан ишлаб чиқилган белгиланган шаклдаги маъмурий баённома бланкини тўлдиради ва унинг қарор қисмини шакллантиради.

Ушбу қарор аксарият ҳолларда алоҳида процессуал ҳужжат сифатида эътироф этилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши шарт ҳисобланади:

- қарор чиқарган орган (мансабдор шахс)нинг номи, ишни кўриб чиқиш вақти;
- иши кўриб чиқиладиган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатларнинг баёни;
- содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи норматив ҳужжат;
- иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи бандларида кўрсатилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан жазо бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида айбдордан етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал қилинадиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, ундириб олиш муддатлари ва тартиби ҳам кўрсатилиши лозим.

Агар шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, у ҳолда маъмурий жазо чорасини қўллашда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айб даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

Бундан ташқари, иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар масаласи ҳам ҳал қилинган бўлиши керак. Коллегиал органнинг қарори мажлисда ҳозир бўлган шу коллегиал орган аъзоларининг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Қарор ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс томонидан имзоланади, коллегиал органнинг қарори эса мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади (МЖТКнинг 309-м.).

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда ундириб олиш чорасини қўллаш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баён-номага тегишлича ёзиб қўйилади ёхуд бу қарор белгиланган усулда расмийлаштирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид муурожаат (иш)ни кўриб чиққан орган *маъмурий жазо бериш тўғрисида* ёки ишни *тугатиш тўғрисида қарор* қабул қилади.

Ишни тугатиш тўғрисидаги қарор оғзаки огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид муурожаат (иш) юзасидан чиқарилган қарор Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 311-моддаси талаби асосида дарҳол эълон қилиниши керак. Қарорнинг нусхаси уч кун муҳлат ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга топширилади ёки жўнатилади, шунингдек жабрланувчи (муурожаат этувчи)нинг илтимосига кўра унга ҳам юборилади. Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади. Қарорнинг нусхаси жўнатилганда, бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш йиғмажилдига ёзиб қўйилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 311-моддаси талабига кўра, ўқотар қурооллар, шунингдек ўқ-дорилар хизмат вази-фаларини бажариш муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахслар хусусида МЖТКнинг 185-моддаси ва 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузар-



ликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг нусхаси ахборот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилади ва мазкур шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун (МЖТКнинг 312-моддасига кўра) ички ишлар органига юборилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61, 131, 140, 183, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга жазо бериш тўғрисидаги маълумотлар борасида ҳуқуқбузар ишлаб, ўқиб ёки яшаб турган жойга хабар қилади (МЖТКнинг 312-м.).

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 312-моддаси талаблари асосида ушбу кодекснинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахс эътиборига етказиш ҳуқуқига эга бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси талаблари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчинини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атвор ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси 4-хатбошиси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиққан орган асослар мавжуд бўлганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш учун ҳуқуқбузарнинг тегишли ўқиш, иш ва турар жойларига (раҳбарига) тақдимнома киритади.

Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт. Акс ҳолда раҳбарнинг қилмишида амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 196-моддасида

назарда тутилган «Хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» хуқуқбузарлиги таркиби келиб чиқади ва бу раҳбарни жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Мазкур хуқуқбузарлик таркиби раҳбар тақдимномага белгиланган муддат ичида жавоб қайтармаган ёки жавоб қайтарган бўлса-да, амалда хуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўрмаган ҳолларда келиб чиқади.

Агар содир этилган маъмурий хуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлса, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасида белгиланган талаблар асосида хуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига кўра «Расмий огоҳлантириш» билан кифояланиши мумкин.

Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг қонунга асосланган ҳолда юритилиши ва кўриб чиқилишини назорат қилиш ва таъминлаш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) хуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, у материалларни прокурорга, дастлабки тергов ёки суриштирув органига қайтариши шарт.

#### **2.4. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш**

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам, бошқа хуқуқий процесслардаги каби, қонунийликнинг устуворлиги асосий принциплардан биридир. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қонунийлик принципи юқори турувчи ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши, прокурор назорати ва шикоят бериш хуқуқи билан таъминланади.

Чунончи, бу борада прокурор назорати унга берилган қуйидаги хуқуқларда ўз аксини топади:

- маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиш;
- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текшириш;
- ишни кўриб чиқишда қатнашиш;

– ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида хулосалар бериш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар)нинг таъсир кўрсатиш чоралари тўғри қўлланганлигини текшириш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест келтириш;

– қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни қилиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш қонунда ишга нисбатан билдирилган алоҳида-алоҳида мазмун ва шаклга эга эътирознома сифатида гавдаланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокатларга берилган ҳуқуқдир (МЖТКнинг 314-моддаси).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса, туман (шаҳар) суди раиси ёки юқори турувчи судга берилиши мумкин.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни *уч сутка* ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят берган шахсга давлат божини тўлаш мажбурияти юклатилмайди.

Шикоят чиқарилган қарор нусхасини олган кундан бошлаб *ўн кун* ичида берилиши шарт, акс ҳолда қарор қонуний кучга кирган ҳисобланади. Мазкур муддат фақат узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган тақдирдагина шикоятни кўриб чиқиш ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Прокурорнинг протести қарорнинг кучга кирган-кирмаганлигига қараб кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқилади. Судья шикоят

ёки протестни олган кундан бошлаб уч кун ичида хужжатлар билан шикоят ёки протестни кўриб чиқиш учун суд раиси ёки юқори туруви судга юбориши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протест Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 320-моддасида белгиланган тартибда кассацион босқич судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида прокурор:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси қарори устидан – туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан – қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар) шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар ва кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатли эканлигини текширадилар.

Белгиланган муддатда шикоят берилиши ёки прокурорнинг протест билдириши маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросини иш қайта кўриб чиқилгунига қадар тўхтатиб туради (маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир).

Кассацион босқич суди судьяси маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки келтирилган протест бўйича ҳал қилув қарори чиқаради ва у чиқарилган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Кассацион босқич суди судьяси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддасида қайд қилинган қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

– чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлангирмасдан қолдиради;

– чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

– чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тўхтатади;

– жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Кассацион босқич суди судьяси ва назорат босқичи ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларини баённома ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган ҳолатлардан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қилмайдиган ва ҳуқуқбузарнинг ҳолатини оғирлаштирмайдиган енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи моддаларга қайта квалификация қилиши мумкин.


Кассацион босқич суди судьяси томонидан қабул қилинган қарор қабул қилиниши ҳамано қонуний кучга кириши муносабати билан ушбу қарор юзасидан манфаатдор томонлар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган қарорга «Судлар тўғрисида»ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг умумий қоидаларга мувофиқ тегишли суд раислари ва прокурорлар томонидан назорат тартибида протест киритилади.

Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократия, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига тўлиқ амал қилиб, қонуний талаб, тартиб-қоидаларга асосан кўриб чиқилишини назорат қилиш, ушбу соҳадаги мавжуд амалиётни мунтазам равишда ўрганиш ва умумлаштириб боришга бевосита ички ишлар органлари раҳбарияти ва прокуратура органлари масъулдирлар.

Бу борада судьялар фаолиятини назорат қилиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари зиммасига юклатилади.

**Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ**



**Профилактика хизматлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарларни кўриб чиқишга оид  
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ**

<b>Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш асослари</b>	<b>Маъмурий ҳуқуқбузарлик қуйидаги манбаларда қайд этилиши мумкин</b>	<b>Профилактика хизматларининг маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишдаги роли</b>	<b>Кўриб чиқиш муддатлари</b>	<b>Қабул қилинадиган қарор</b>
Бевосита аниқлаш асосида	Маъмурий баённома, маъмурий жазога тортилган (протокол тузилмасдан) шахсларни ҳисобга олиш № 2-АП шаклидаги карточкаси	Бевосита кўриб чиқади	Маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқлангандан сўнг 15 кун муддат ичида	1. Жиноят ишини қўз-ғатишни рад этиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисида
Мурожаатга асосан	МТПнинг Фуқароларни қайд қилиш китоби	Дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириб, кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича бошқа давлат органларига юборди	МЖТКнинг 51 <sup>2</sup> , 51 <sup>3</sup> , 51 <sup>4</sup> , 51 <sup>5</sup> , 51 <sup>6</sup> , 51 <sup>7</sup> , 51 <sup>8</sup> , 51 <sup>9</sup> , 170, 180, 181, 183, 184, 187, 194-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бир сутка ичида	2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисида
Хабарга асосан	ИИБ Навбатчилик қисмидаги 2-шакл китоби		МЖТКнинг 164-моддасининг иккинчи қисмида, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар уч сутка ичида	3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида
Жиноят ишидан ажратилган қисми бўйича	Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш дафтари		МЖТКнинг 61-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар беш сутка ичида	4. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида 5. Кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича бошқа давлат органларига юбориш тўғрисида

**Профилактика (катта) инспектори томонидан жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишга оид  
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ**

Жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш асослари	Жиноятга оид ариза ва хабарлар қайд этиладиган манба	Жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқишдаги роли	Кўриб чиқиш муддатлари	Қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади
Мурожаатга асосан	ИИБ Навбатчилик қисмидаги 1-шакл ва 2-шакл китоби	Тергов-тезкор гуруҳи таркибида ҳаракатланади	Тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар фуқционал вазифани бажаради, сўнгра терговчининг топшириғига кўра ҳаракатланади.	Профилактика инспектори тергов-тезкор гуруҳи таркибида ҳаракатланганида мустақил қарор қабул қилмайди. Барча ҳаракатлар терговчининг назорати остида амалга оширилади.
Хабарга асосан		Жиноятга оид ариза ёки хабарга асосан терговга қадар текширув ўткази	Жиноятга оид ариза ёки хабар рўйхатга олинган <b>дарҳол</b> , жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлганда эса <b>ўн суткадан</b> кечикмасдан кўриб чиқилиши лозим. ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисмида кўрсатилган ҳолларда ушбу муддат прокурор томонидан <b>бир ойгача</b> узайтирилиши мумкин	1. Жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида; 2. Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш тўғрисида; 3. Жиноятга оид ариза ёки хабарни тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида (ЖПКнинг 345, 346-моддаларига кўра).
Бевосита аниқлаш асосида		Жиноятга оид ариза ёки хабарга асосан суриштирувни олиб боради	Жиноят иши юзасидан суриштирув суриштирувчи томонидан жиноят иши кўзғатилган ёки ўз иш юритувига олинган пайтдан бошлаб <b>ўн суткадан</b> ошмаган муддатда олиб борилади	1. Жиноят ишини терговчига ўтказиш тўғрисида; 2. Ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида; 3. Амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида.

**Изоҳ:** ИИБ Навбатчилик қисмида мавжуд бўлган 2-шакл китобида қайд этилган жиноятга оид ариза ёки хабарлар бўйича терговга қадар текширув муддатларида асослантилган қарорлардан бири қабул қилинмаса ва 1-шакл китобига қайд этилмаса, унда ходимнинг бу ҳаракатлари жиноятни қасдан яшириш деб баҳоланишига асос бўлиши мумкин.



**Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қайд этиш  
КАРТОЧКАСИ**

(Олд томони)

<b>Тартиб рақами:</b>	<b>Савол:</b>
<b>Муурожаат қилувчи:</b>	
<b>Манзили:</b>	
<b>Муурожаат келиб тушган сана:</b>	<b>Муурожаат қилувчилар сони:</b>
<b>Муурожаатнинг шакли:</b>	<b>Варақлар сони:</b>
<b>Қабул шакли:</b>	<b>Дубликат/такрорий</b>
<b>Муурожаатнинг тури:</b>	<b>Олдинги муурожаатнинг санаси ва рақами:</b>
<b>Назорат тури:</b>	
<b>Муурожаатнинг қисқача мазмуни:</b>	
<b>Резолюцияни (топшириқни) имзолаган раҳбар</b>	
<b>Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи):</b>	<b>Бажариш муддати:</b>
<b>Таркибий бўлинма:</b>	<b>Ижрочи:</b>

(Орқа томони)

<b>Муурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати:</b>		
<b>Юборилган сана:</b>	<b>Қаерга юборилган:</b>	<b>Жавоб хатининг рақами ва санаси:</b>
<b>Муддати узайтирилган:</b>	<b>Ким томонидан: (имзо)</b>	
<b>Жавоб хати келган сана:</b>		
<b>Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:</b>		
<b>Назоратдан олинди (ким томонидан):</b>	<b>Бажарувчининг имзоси:</b>	
<b>Сана:</b>	<b>Бажарилган сана:</b>	
<b>Муурожаатни кўриб чиқиш муддати бузилганлиги ҳақида белги:</b>		

МТПда юрителидиган фуқароларни қайд қилиш китобининг ўстки қисми

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

106-СОНЛИ

МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИНИНГ

ФУҚАРОЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

# К И Т О Б И

Бошланган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Тугатилган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

*Китобнинг ички қисми: (1-томон)*

т/р	сана	Мурожаат қилган фуқаронинг Ф.И.О. туғилган йили	Яшаш манзили
1.	12.12.2015	Қаршиев Ғуломжон Сайфуллаевич, 1981 йил 28 декабрь	Мирзо Улуғбек туман Қорасув 3-дахаси «Катта Қора-сув» маҳалласи 20-уй 33-хонадон
2.			

*Китобнинг ички қисми: (2-томон)*

Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Кўрилган чора-тадбирлар
Ғ.С. Қаршиев кўшниси Мирзо Улуғбек туман Қорасу 3-дахаси «Катта Қора-сув» маҳалласи 20-уй 35-хонадонда истиқомат қилувчи Ш.Р.Ғофуров сув тошириб, яқинда таъмирдан чиққан ошхонасига моддий зарар етказганлигини маълум қилиб, ушбу зарарни ундиришни сўраган	Ҳодиса атрофлича ўрганилиб, тегишли хужжатлар расмийлашти- рилди ва Ғ.С. Қаршиевга ушбу муро- жаатни кўриб чиқиш фуқаролик иш- лари бўйича судга тааллуқли эканлиги тушунтирилди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

**106-СОНЛИ**

**МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИНИНГ**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИНИШИ ЮЗАСИДАН  
ЁЗГАН АРИЗАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ**

# К И Т О Б И

Бошланган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Тугатилган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

*Китобнинг ички қисми: (1-томон)*

Т/р	Ариза берувчи ва у билан бирга келган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами	Ариза берувчининг доимий турар жойи	Ариза қайд этилган сана	Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой
1	<b>Ариза берувчи:</b> Раҳимова Саодат Турсуновна 12.09.1978 йилда Қашқа-дарё вилоят Ғузур туманида туғилган, фуқаролик паспорти рақами: АВ0125346	Қашқадарё вилоят Ғузур тумани «Фаробий» кўчаси 21-хонадон	12.09.2015	М.Улуғбек туман Қорасув 3-дахаси 30-уй, 33-хонадон
2.	<b>Қизи:</b> Раҳимова Манзура Рустам қизи, 25.05.2009 йилда Қашқадарё вилоят Ғузур туманида туғилган, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома рақами: С 0129341	Қашқадарё вилоят Ғузур тумани «Фаробий» кўчаси 21-хонадон		М.Улуғбек туман Қорасув 3-дахаси 30-уй, 33-хонадон

*Китобнинг ички қисми (2-томон)*

Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили, телефон рақами	Ҳисобга олинган шахсининг келиш варақаси Манзил-маълумотнома бюросига юборилган сана	Қайд варағининг рақами, берилган санаси ва муддати	Ҳисобдан чиқарилган сана	Изоҳ
М.Улуғбек туман Қорасув 3-дахаси 30-уй, 33-хонадон. Тел: (93) 580-11-11 (сот), 265-21-48 (уй)	12.09.2015	15/1275-рақамли қайд варағи, 22.09.2015да берилган		
М.Улуғбек туман Қорасув 3-дахаси 30-уй, 33-хонадон. Тел: (93) 580-11-11 (сот), 265-21-48 (уй)	12.09.2015	15/1276-рақамли қайд варағи, 22.09.2015да берилган		

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ**  
**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ**

**106-СОНЛИ**

**МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИНИНГ**

**МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАКЛИФ ВА  
ТАВСИЯЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ**

# К И Т О Б И

Бошланган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Тугатилган вақти: «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

*Китобнинг ички қисми:*

Т/р	Фуқаронинг Ф.И.О.и	Фуқаронинг яшаш манзили	Фуқаронинг таклифи ёки тавсияси	Таклиф ёки тавсия бўйича қабул қилинган қарор
1.	Собиров Ўткир Хамидович	М.Улуғбек туман Қорасув 1-дахаси 30-уй, 38-хонадон	Маҳаллада вояга етма- ганларнинг бўш вақти- ни самарали ташкил этиш учун 2015 йил- нинг 1–10 октябрь кун- лари спортнинг футбол, волейбол ва шахмат турлари бўйича мусоба- қа ташкил этиш ва унга ҳомийлик қилиш	Таклиф 12.09.2015 йилда «Катта Қорасув» МФЙ.- да муҳокама қилинди (Баённома № 98) ҳамда маъқулланди. Спорт тад- бири режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

**Изоҳ:** «Фуқароларнинг таклиф ва тавсиялари китоби» МТПда фуқароларга кўринадиган жойга қўйилади ва фуқаронинг талаби асосида унга берилади. Фуқаронинг таклиф ва тавсияси ваколатли мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли қарор қабул қилинади.

*1-шакл китобнинг реквизитлари*

**ЖИНОЯТЛАР ТЎҒРИСИДА ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИГА  
КЕЛГАН АРИЗА ВА ХАБАРЛАРНИ  
ҲИСОБГА ОЛИШ**

**К И Т О Б И**

Бошланди: 2015 йил « 01 » 01 дан

Тугалланди: 2015 йил « 31 » 12 да

*(Китобнинг ички қисм 1-бети)*

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
<b>Тартиб рақами</b>	<b>Қачон жиноят ҳақида ариза тушди (куни, вақти)</b>	<b>Содир этилган жиноят ҳақида ким хабар қилди (Фамилия, исми, отасининг исми, яшаш манзилгоҳи, телефон рақами, корхона, бирлашма номи, манзилгоҳи, телефон рақами). Қайд қилиш рақами</b>	<b>Ариза ёки хабарноманинг қисқача мазмуни (вақти, манзили, шароити). Ўз. Рес. Жиноят кодексининг моддаси</b>
1.	2015 йил 15 ноябрь куни соат 12.00ларда	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Қорасув 1-дахаси 20-уй, 30-хонадонда истикомат қилувчи Ш.Қурбонов. Тел: 265-60-80.	2015 йилнинг 15 ноябрь кунига ўтар кечаси номаълум шахслар уни хонадонига яширин равишда кириб, жами 5.000.000. (беш миллион) сўмлик кийим-кечак, тилла тақинчокларни ўғирлаб, Ўз. Рес. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисм «а» ва «г»-бандларида кўрсатилган жиноятни содир этган.

(Китобнинг ички қисм 2-бети)

5	6	7	8
<p>Ариза бўйича кўрилган чоралар. Тергов тезкор гуруҳи аъзоларининг (Ф.И.О.) жиноят содир этилган жойга чиққан вақти. Далилий ашёлар олинганлиги тўғрисида маълумот.</p>	<p>Ариза ёки хабарномани текшириш кимга топширилган? Ким томонидан?</p>	<p>Тушган аризани қабул қилувчининг имзоси. Қабул қилинган вақти ва куни.</p>	<p>Ариза текширилганлиги натижаси. Жиноят иши қўзғатилганлик вақти, куни. Қўзғатилган жиноий ишни бекор қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган куни. (Қайд қилиш рақами № _____ жўнатма рақами, ариза топширилган кун. Жамоатчилик орқали таъсир кўрсатиш учун хужжатларни тегишли жойга юборилганлиги ҳақидаги белги)</p>
<p>Воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳи терговчиси, майор Ғ.С.Қаршиев, ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили майор Р.С.Олимов, Эксперт-криминалист катта лейтенант М.Т.Исмоилов, профилактика инспектори капитан И.А.Исаевлар чиқишди. Воқеа жойидан 6 (олти) дона бармоқ изи олинган</p>	<p>Терговчи, майор Ғ.С.Қаршиевга</p>	<p>_____ (имзо) (сана) Терговчи, майор Ғ.С.Қаршиев</p>	<p>Ўз. Рес. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисм «а» ва «г»-бандлари билан №12–345-сонли жиноят иши қўзғатилди.</p>

*2-шакл журналнинг реквизитлари*

**ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИГА ТЕЛЕФОН, ТЕЛЕГРАФ, СИГНАЛ  
БЕРАДИГАН ҚЎРИҚЛАШ МОСЛАМАЛАРИНИНГ ИШЛАБ КЕТИШИ  
НАТИЖАСИДА ВА БОШҚА СИГНАЛЛАР ОРҚАЛИ ХОДИСАЛАР  
БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ  
ҲИСОБГА ОЛИШ**

**Ж У Р Н А Л И**

Бошланди: 2015 йил « 01 » 01 дан  
Тугалланди: 2015 йил « 31 » 12 да

*(Журналнинг ички қисм 1-бети)*

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
<b>Тартиб рақами</b>	<b>Қачон (маълумотлар) хабар келиб тушди (куни, вақти)</b>	<b>Ким хабар қилди. Исми, шарифи, яшаш манзили, телефон рақами, корхона, бирлашма номи, манзилгоҳи: навбатчининг исми, отасининг исми, марказлашган қўриқлаш пультининг диспетчери</b>	<b>Хабарнинг қисқача мазмуни (вақти, манзилгоҳи, шароити).</b>
23/161-13	2015 йил 5 май соат 12.00	Хабар Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган 16-сонли шаҳар марказий шифохона диспетчери Ш.Хакимова томонидан телефон орқали келиб тушди	2015 йил 5 май куни соат 11.45ларда Чилонзор туман 2-даҳа 15-уй 2-хонадонда яшовчи, 1982 йилда туғилган Ибрагимов Шерзод отаси томонидан калтакланиб, тан жароҳати олганлиги сабабли тез ёрдам хизмати орқали 16-сонли шаҳар шифохонасига олиб борилган

(Китобнинг ички қисм 2-бети)

5	6	7	8
<b>Хабар бўйича навбатчи томонидан кўрилган чоралар</b>	<b>Ариза ёки хабарномани текшириш кимга топширилган? Ким томонидан?</b>	<b>Тушган аризани қабул қилувчининг имзоси. Қабул қилинган вақти ва куни.</b>	<b>Ариза текширилганлиги натижаси. Жиноят иши қўзғатилганлик вақти, куни. Қўзғатилган жиноий ишни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарилган куни (қайд қилиш рақами № _____ жўнатма рақами, ариза топширилган кун. Жамоатчилик орқали таъсир кўрсатиш учун ҳужжатларни тегишли жойга юборилганлиги ҳақида белги)</b>
Туман ички ишлар бўлими бошлиғига хабар берилган ва Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ 144-сонли МТП профилактика инспектори, капитан Ж.Т.Рўзиев 16-сонли шифохонага юборилган.	Хабар ўз тасдиғини топди. Ўз. Рес. ЖКнинг 109-модда-си 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.	Жабрланувчидан ариза олинди ва 1-шакл китобига 14-сонли рақам билан кўчирилди.	Шу ҳолат бўйича терговчи, майор С.К.Шокиров 2015 йил 25 майда Ўз. Рес. ЖКнинг 109-моддасининг 2-қисми билан 7/1524-сонли жиноят ишини қўзғатди.



Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек  
тумани ИИБ бошлиғи, полковник

*И.И.Халиловга*

1979 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, олий маълумотли, оилали, 2 нафар фарзанди бор, «Дунё» супермаркетида сотувчи бўлиб ишловчи, муқаддам судланмаган, Мирзо Улуғбек тумани Қорасув 2-дахаси 18-уйда истиқомат қилувчи Рашидова Комила Баходировнадан

### **А Р И З А**

Рашидова Комила Баходировна, ушбу аризани ёзишдан олдин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддасига кўра, ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилдим.

К.Б.Рашидова

(имзо)

Аризани ёзишимдан мақсад шуки, 2015 йил 23 ноябрь кунига ўтар кечаси хонадонимизда ҳеч ким йўқлиги ва уй қаровсиз қолдирилганлигидан фойдаланиб, уй эшигини бузиб кириб, уйдаги шкафда сақланаётган жами 25.000.000 (йигирма беш миллион) сўмлик буюмларим ва 3200 (уч минг икки юз) АҚШ доллари миқдоридаги пулларимни ўғирлаб кетган номаълум шахсларни топиб, қонуний чора кўришингизни ҳамда олиб кетилган буюм ва пулларимнинг қайтарилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Аризани ўз қўлим билан тўғри ёздим.

Ариза берувчи

(имзо)

*2015 йил 23 ноябрь*

К.Б.Рашидова

Аризани қабул қилдим:

Мирзо Улуғбек туман ИИБ

ҲООБ профилактика катта

инспектори майор

(имзо)

*2015 йил 23 ноябрь*

Ш.Р. Ғофуров

**Оғзаки арзни қабул қилиш  
БАЁННОМАСИ**

2015 йил 23 ноябрь

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори капитан Б.А.Умирзаков Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда қуйидаги фуқародан оғзаки арзни қабул қилдим:

- |                                    |   |
|------------------------------------|---|
| 1. Фамилияси, исми, отасининг исми | Рашидова Комила Баходировна   |
| 2. Туғилган йили, ойи ва куни      | 1979 йил 26 апрель  |
| 3. Миллати ва фуқаролиги           | ўзбек, Ўз.Рес. фуқароси   |
| 4. Маълумоти                       | ўрта  |
| 5. Оилавий аҳволи                  | оилали, 2 нафар фарзанди бор  |
| 6. Иш жойи                         | М.Улуғбек туман Қорасув 2- да-<br>ҳасида жойлашган «Дунё»<br>супермаркетида сотувчи                   |
| 7. Яшаш жойи                       | М. Улуғбек тумани Қорасув<br>2-дахаси, 18-уй  |
| 8. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат      | 03.03.2004 йилда М.Улуғбек<br>туман ИИБ томонидан берилган<br>СА 334455 серияли фуқаролик<br>паспорти |

Арзни қабул қилиш соат 9<sup>25</sup> да бошланди.

Рашидова Комила Баходировна, ушбу аризани ёзишдан олдин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддасига кўра, била туриб ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

\_\_\_\_\_ К.Б.Рашидова  
(имзо)

Фуқаро Рашидова Комила Баходировна оғзаки равишда қуйидагиларни баён қилди: «2015 йил 23 ноябрь кунига ўтар кечаси хонадонимизда ҳеч ким йўқлиги ва уй қаровсиз қолдирилганлигидан фойдаланиб, уй эшигини бузиб кириб, уйдаги шкафда сақланаётган жами 25.000.000 (йигирма беш миллион) сўмлик буюмларим ва 3200 (уч минг икки юз) АҚШ доллари миқдоридagi пулларимни ўғирлаб кетган номаълум шахсларни топиб, қонуний чора кўришингизни ҳамда олиб кетилган буюм ва пулларимни қайтарилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман».

Арзни қабул қилиш соат 9<sup>40</sup> да тамомланди.

Ушбу баённомани ўқиб чиқдим. Баённома менинг сўзларимдан тўғри ва аниқ ёзилган, кўшимча ва эътирозларим йўқ.

Арз қилувчи

К.Б.Рашидова

(имзо)

Аризани қабул қилдим ва баённома туздим:

М. Улуғбек туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори капитан

Б.А.Умирзаков

(имзо)

***Профилактика инспектори тўпланган материални терговга тақдим қилишни сўраб ИИБ бошлиғи номига ёзган билдирги намунаси***

Тошкент шаҳар М. Улуғбек  
тумани ИИБ бошлиғи,  
полковник

И.И.Ҳайдаровга

**Б И Л Д И Р Г И**

Сизга шуни маълум қиламанки, жорий йилнинг 13 май куни ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаро Саидов Санжар Олимовичнинг аризаси бўйича терговга қадар текширув ишлари олиб борилиб, қўйидагилар аниқланди: 2015 йилнинг 12 май куни соат тахминан 15<sup>40</sup>ларда фуқаро Саидов Санжар хонадонида туғилган кунини нишонлаб қўшниси Ганиев Сухроб Азаматович билан спиртли ичимлик истеъмол қилган, ўрталарида ўзаро келишмовчилик келиб чиқиб, жанжаллашиб қолган, жанжал вақтида Ганиев Сухроб жаҳл устида столда турган пичоқ билан уй эгаси Саидов Санжарнинг ўнг сон қисмига тан жароҳати етказган ва натижада у 16-сонли шаҳар шифохонасига ётқизилган. Тошкент шаҳар 2-филиал суд-тиббий экспертиза бюросининг 2015 йил 21 майдаги 216-сонли хулосасига кўра, фуқаро Саидов Санжар Олимовичга «Соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати» етказилганлиги маълум бўлди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқаро Ганиев Сухроб Азаматович томонидан содир этилган қилмишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд ва шу боис тўпланган ҳужжатларни жиноят ишини кўзғатиб, дастлабки тергов олиб бориш учун ИИБнинг тергов бўлимига тақдим этишга рухсат беришингизни сўрайман.

*Илова: ариза бўйича тўпланган ҳужжатлар 28 (йигирма саккиз) varaқда*

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек  
туман ИИБ ҲООБ профилактика  
катта инспектори майор

А.Д.Эрназаров

(имзо)

*2015 йил 22 май*

**Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида  
ҚАРОР**

2015 йил 25 май

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори майор Ғ.С.Қаршиев, туман ИИБ навбатчилик қисмининг 1-шакл китобида 2811-сон билан қайд этилган, 1978 йилда туғилган фуқаро Саидов Санжар Олимовичнинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

**А Н И Қ Л А Д И М:**

2015 йилнинг 12 май куни соат тахминан 15<sup>40</sup> ларда фуқаро Саидов Санжар хонадонида туғилган кунини нишонлаб қўшниси Ганиев Сухроб Азаматович билан спиртли ичимлик истеъмол қилган, ўрталарида ўзаро келишмовчилик келиб чиқиб, жанжаллашиб қолган, жанжал вақтида Ганиев Сухроб жаҳл устида столда турган пичоқ билан уй эгаси Саидов Санжарнинг ўнг сон қисмига тан жароҳати етказган ва натижада у зудлик билан 16-сонли шаҳар шифохонасига ётқизилган.

Тошкент шаҳар 2-филиал суд-тиббий экспертиза бюросининг 2015 йил 21 майдаги 216-сонли хулосаси билан фуқаро Саидов Санжар Олимовичга «Соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати» етказилган деб топилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқаро Ганиев Сухроб Азаматович томонидан содир этилган қилмишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд ва шу боис тўпланган ҳужжатларни жиноят ишини қўзғатиб, дастлабки тергов олиб бориш лозимлигини назарда тутиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 321, 322-моддаси 1-қисмининг 1-банди, 350-моддаларини қўллаб,

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :**

1. Мазкур ҳолат юзасидан Ганиев Сухроб Азаматовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилсин.

2. Ушбу қарор мазмуни манфаатдор томонларга маълум қилинсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 338-моддасига асосан, қарор устидан Тошкент шаҳар прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканликлари тушунтирилсин.

3. Қарорнинг нусхаси туман прокурорига юборилсин.

Мирзо Улуғбек туман ИИБ ҲООБ  
профилактика катта инспектори майор

(имзо)

Ғ.С.Қаршиев

## **Жиноят ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида ҚАРОР**

2016 йил 20 январь

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори катта лейтенант С.И.Жуманов, туман ИИБ навбатчилик қисмининг 2-шакл китобида 1078-сон билан қайд этилган 1-сонли шаҳар шифохонасининг Мирзо Улуғбек туман Қорсув 3-дахаси 11-уй, 4-хонадонда яшовчи фуқаро Зарифа Азизовна Раҳимованинг тан жароҳати билан ётқизилганлиги бўйича берган хабари асосида тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

### **А Н И Қ Л А Д И М:**

2016 йилнинг 1 январь куни соат тахминан 22.00ларда Мирзо Улуғбек тумани Қорсув 3-дахаси 11-уй 4-хонадонда яшовчи фуқаро, 1972 йилда туғилган Раҳимов Собир Ақромович уйига маст ҳолда келиб, турмуш ўртоғи фуқаро, 1976 йилда туғилган Раҳимова Зарифа Азизовна билан жанжаллашиб, уни уриб-дўппослаган. Натижада Раҳимова Зарифа Азизовна 2016 йилнинг 2 январь куни соат 04.00ларда тез тиббий ёрдам орқали тан жароҳати билан 1-сонли шаҳар шифохонасига ётқизилган.

Ушбу ҳолат бўйича 2016 йил 15 январь куни Раҳимова Зарифа Азизовнага етказилган тан жароҳатини аниқлаш мақсадида «Суд-тиббий экспертиза тайинлаш ҳақида» қарор қабул қилинди

2016 йил 19 январь куни Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Суд-тиббий экспертиза бюросининг 2-филиали тақдим қилган 2238-сонли хулосасига кўра, З.А. Раҳимовага енгил тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Терговга қадар текширув давомида С.А. Раҳимовдан тушунтириш талаб қилинганда, у ўз тушунтириш хатида 2016 йилнинг 1 январь куни ҳамкасблари билан «Қорсув» кафесида янги йил байрамини нишонлашганлигини, байрам дастурхонида тортилган спиртли ичимликдан кўп истеъмол қилганлиги оқибатида маст бўлиб қолганлигини, уйга ҳамкасблари ташлаб кетганлигини, уйга келганида турмуш ўртоғи З.А. Раҳимова маст ҳолда келганлиги учун жанжал бошлаганлигини, шунда у жаҳл устида турмуш ўртоғи З.А. Раҳимовани дўппослаганлигини, 3 нафар фарзанди борлигини, ҳозирда уларнинг юзига қарашга уялаётганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, бошқа бу каби ҳолат такрорланмаслигини, турмуш ўртоғидан ҳам кечирим сўраганлигини билдирган.

Ҳолат юзасидан Раҳимова Зарифа Азизовнадан тушунтириш талаб қилинганда, у ўз тушунтириш хатида 2016 йилнинг 1 январь куни соат 14.00 ларда турмуш ўртоғи С.А. Раҳимов ҳамкасблари билан Янги йилни нишонлаймиз деб, уйдан чиқиб кетиб, тунги соат 23.50ларда маст ҳолатда қайтиб келганлигини, унга фарзандлари вояга етиб қолганлигини, улардан уялиш кераклигини, топган пулини ичишга, базмларга сарфлаётганлигини, унинг ўрнига фарзандларининг ўқиши, уй-жойли қилинишини ўйлаши кераклигини таъкидлаганда, турмуш ўртоғи уни ҳақоратлаб, «ичишим ва юришим билан сени нима ишинг бор» деб уриб-дўппослаганлигини, калтакланганлигидан кейин ўзини ёмон ҳис қилганлиги учун тез тиббий ёрдамга мурожаат қилганлигини, улар эса уни шифохонага олиб борганлигини, бироқ нима бўлганида ҳам С.А. Раҳимов унинг турмуш ўртоғи, фарзандларининг отаси эканлигини, шу боис унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси (шикоят, арзи)

йўқлигини, турмуш ўртоғи ҳозирда қаттиқ афсусланаётганлигини, ундан кечирим сўраганлигини ва бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда берганлигини баён этган.

Терговга қадар текширув жараёнида З.А. Раҳимованинг С.А. Раҳимовга қарамлик даражасини ўрганиш учун З.А. Раҳимованинг ён қўшнилари Қорсув 3-дахаси 11-уй 5-хонадонда яшовчи А.А. Саидова ҳамда Қорсув 3-дахаси 11-уй 6-хонадонда яшовчи Ш.Н. Холмуродовлардан тушунтириш хатлари олинганида, улар ўз тушунтириш хатларида Раҳимовлар оиласи жанжалкаш оилалар сафига кирмаслигини, ҳар иккаласининг ҳам маҳалла аҳли билан муносабати яхши эканлигини, фарзандлари ҳам тарбияли эканлигини, 15 йилга яқин давр мобайнида қўшни бўлиб туришларига қарамасдан С.А. Раҳимовнинг З.А. Раҳимовага нисбатан бирор-бир тазйиғини кузатмаган ва эшитмаганликларини баён қилганлар.

Педагог иштирокида сўров ўтказилган З.А. Раҳимованинг қизи, 2005 йилда туғилган Н.С. Раҳимова ҳам тушунтириш хатида ота-онасининг бир-бирига ва фарзандларига бўлган муносабати яхши эканлигини, бироқ отаси С.А. Раҳимов сўнгги пайтларда тез-тез спиртли ичимлик истеъмол қилаётганлиги ва бунинг учун онаси З.А. Раҳимова норози эканлигини билдирган.

З.А. Раҳимова ҳамда С.А. Раҳимовга нисбатан уларнинг яшаш ва иш жойида берилган тавсифномаларда З.А. Раҳимова, С.А. Раҳимов ва уларнинг оиласи ижобий тавсифланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Раҳимов Собир Ақромовичнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд, бироқ З.А. Раҳимова ўз тушунтириш хатида С.А. Раҳимов унинг турмуш ўртоғи, фарзандларининг отаси эканлигини, турмуш ўртоғи ҳозирда қаттиқ афсусланаётганлигини, ундан кечирим сўраганлигини ва бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда берганлигини, шу боис унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси (шикоят, арзи) йўқлигини, қолаверса, С.А. Раҳимовнинг З.А. Раҳимовага нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқи билан боғлиқ, шунингдек З.А. Раҳимованинг ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатини ўзи ҳимоя қила олмайдиган ҳолда эканлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддаси 1-қисмига асосланган, 83-моддаси 6-банди ва 333-моддаларини қўллаган ҳолда,

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:**

1. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишини қўзғатиш рад этилсин.
2. Ушбу қарорнинг мазмуни манфаатдор томонларга маълум қилинсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 338-моддасига асосан, қарор устидан Тошкент шаҳар прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканликлари тушунтирилсин.
3. Қарор нусхаси маълумот учун туман прокурорига юборилсин.

#### **Профилактик инспектори:**

Катта лейтенант

С.И. Жуманов

(имзо)

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Қорсув 3-дахаси 11-уй 4-хонадонда  
яшовчи фуқаро Зарифа Азизовна Раҳимовага

**Жиноят иши қўзғатилиши рад қилингани, рад қилиш асослари,  
шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тўғрисида**

**Х А Б А Р Н О М А**

2016 йилнинг 2 январь куни соат 04<sup>00</sup>ларда Мирзо Улуғбек тумани ИИБ навбатчилик қисмига 1-сонли шаҳар шифохонасининг Сизнинг тан жароҳати билан шифохонага олиб келинганлигиниз бўйича берган хабарига асосан олиб борилган терговга қадар текширув ишлари тамомланди.

Мазкур хабар бўйича

2016 йилнинг 1 январь куни соат тахминан 22.00ларда Мирзо Улуғбек тумани Қорсув 3-дахаси 11-уй 4-хонадонда яшовчи фуқаро, 1972 йилда туғилган турмуш ўртоғиниз Раҳимов Собир Ақромовичнинг маст ҳолда уйга келиб Сиз билан жанжаллашиб, уриб-дўппослаганлиги натижасида тан жароҳати олганингиз ва бу тан жароҳати Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Суд-тиббий экспертиза бюросининг 2-филиали тақдим қилган 2016 йил 19 январь кунидаги 2238-сонли хулосасига кўра «Енгил тан жароҳати» сифатида баҳоланганлиги ҳолати турмуш ўртоғиниз Раҳимов Собир Ақромовичнинг ҳаракатлари таркибида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бироқ, Сизнинг С.А. Раҳимов турмуш ўртоғиниз, фарзандларининг отаси эканлигини, турмуш ўртоғиниз ҳозирда каттиқ афсусланаётганлигини, кечирим сўраганлигини ва бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда берганлигини, шу боис унга нисбатан ҳеч қандай даъво (шикоят, арзи)нгиз йўқлиги, шунингдек терговга қадар текширув давомида Сизнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ўзи ҳимоя қила олмайдиган ҳолда эканлигинизни кўрсатувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 6-банди ва 333-моддаларини қўллаган ҳолда жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан, Сизга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333-моддасига асосан, қабул қилинган қарор бўйича норози бўлсангиз, мазкур қарор устидан ушбу хабарномани олган вақтдан бошлаб, прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлигинизни маълум қиламан.

Профилактика инспектори  
катта лейтенант

*С.И.Жуманов*

(имзо)

## **Жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида ҚАРОР**

2015 йил 8 август

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Яшнабод туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори капитан С.А.Шокиров, туман ИИБ навбатчилик қисмининг 2-шакл журналида 1078-сон билан қайд этилган Қорсув 3-дахаси 38-уй 50-хонадонда яшовчи, 1967 йилда туғилган фуқаро Зилола Келдиёровна Норбоевнинг аризаси асосида тўпланган хужжатлар билан танишиб чиқиб,

### **А Н И Қ Л А Д И М:**

2015 йилнинг 8 август куни Яшнабод тумани Қорсув 3-дахаси 38-уй 50-хонадонда яшовчи фуқаро Зилола Келдиёровна Норбоева кўшниси, 55-хонадонда яшовчи, 1970 йилда туғилган, фуқаро Лайло Ҳайдаровага хонадонининг калитини қолдириб кетган. Лайло Ҳайдарованинг ўғиллари Алишер ва Фарҳод Усмоновлар онасига билдирмасдан кўшниси З.К.Норбоева қолдирган калитни олиб, унинг хонадонига киришган ва унга тегишли бўлган 2.870.000 (икки миллион саккиз юз етмиш минг) сўмлик турли хил мол-мулкларга зарар етказишган.

З.К.Норбоева ўз тушунтириш хатида 2015 йил 5 август куни соат 14<sup>00</sup>ларда телефонга пул тўлаш учун алоқа бўлимига кетаётиб, уйининг калитини кўшниси Лайло Ҳайдаровага бериб кетгани, соат тахминан 16<sup>00</sup>ларда уйга қайтиб келгани, кўшнисидан калитни олиб уйига кирганида уйдаги нарсалар сочилиб, бир қисми ваннага ташланганини ва ивиб ётганини баён қилган.

Суриштирув жараёнида З.К.Норбоевнинг бир дона 1.200.000 (бир миллион икки юз минг) сўмлик «LG» ноутбуки, бир дона 390.000 (уч юз тўқсон минг) сўмлик «PANASONIC» видеомагнитофони, бир дона 750.000 (етти юз эллик минг) сўмлик «AIWA» мусиқа маркази, умумий баҳоси 500.000 (беш юз минг) сўмлик кийимлари ва баҳоси 330.000 (уч юз ўттиз минг) сўмлик косметикалари – жами 2.870.000 (икки миллион саккиз юз етмиш минг) сўм миқдордаги мол-мулкни кўшниси Лайло Ҳайдарованинг ўғиллари Алишер ва Фарҳод нобуд қилганликлари аниқланган.

Алишер ва Фарҳод Усмоновлар билан онаси Лайло Ҳайдарова иштирокида суҳбат ўтказилганда, Алишер онасига билдирмасдан кўшнисининг калитини олгани, сўнг акаси билан унинг хонадонига киргани, у ердаги видеомагнитофон, аудиомагнитофон ва мусиқа марказларини полда судраб «машина» сифатида ўйнашгани, шундан сўнг ваннага сув тўлдириб уларни «пароход» қилиб ўйнашганини, шкафдан кийимларни олиб, уларни ҳам ваннага ташлаганликларини билдирди. Фарҳод Усмонов ҳам укаси Алишернинг кўрсатмаларини тасдиқлаган.

Лайло Ҳайдарова ўз тушунтириш хатида З.К.Норбоевнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб, ҳақиқатан ҳам кўшниси унга калитни ташлаб кетгани, уни уйдаги «стенка»га қўйгани, сўнг бошқа кўшнисиникига ўзининг иши юзасидан чиқиб кетганидан фойдаланиб, ўғиллари калитни олиб, З.К.Норбоевнинг



хонадонида юқорида кўрсатилган ҳолатни содир қилишганини баён қилган. У етказилган моддий зиённинг бир қисмини қоплагани ва қолганларини ҳам тиклаб бериш мажбуриятини олганини билдирди.

Гарчи, Алишер ва Фарҳод Усмоновларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми «в»-бандида кўрсатилган жиноят аломатлари формал жиҳатдан мавжуд бўлса-да, уларни бу модда билан жавобгарликка тортиш имкони йўқ.

Чунки, Фарҳод Усмонов 2004 йил 28 январь куни, Алишер Усмонов эса 2008 йил 31 март куни туғилган бўлиб, ҳодиса содир бўлган вақтда уларнинг бири 11 ёш, иккинчиси эса 7 ёшда бўлган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддаси 3-қисмига кўра, ЖКнинг 173-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик бўйича жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган ақли расо шахслар жиноят субъекти бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб, Фарҳод ва Алишер Усмоновлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги ва жиноят субъекти бўла олмаслигини назарда тутиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди ва 333-моддаларини қўллаб,

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:**

1. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишини қўзғатиш рад этилсин ва бу ҳақда манфаатдор тарафларга маълум қилинсин.

2. Фуқаро З.К.Норбоевага вояга етмаган Алишер ва Фарҳод Усмоновлар томонидан етказилган моддий зарарни уларнинг ота-оналаридан ундириш тўғрисида Миробод туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

3. Қарор нусхаси маълумот учун туман прокурорига юборилсин.

Профилактика инспектори  
капитан

(имзо)

С.А.Шокиров

Тошкент шаҳар Яшнабод туман Қорсув 3-дахаси 38-уй 50-хонадонда  
яшовчи фуқаро Зилола Келдиёровна Норбоевага

**Жиноят иши қўзғатилиши рад қилингани, рад қилиш асослари,  
шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тўғрисида  
Х А Б А Р Н О М А**

Фуқаро Норбоева Зилола Келдиёровна, Сизнинг 2015 йилнинг 5 август куни соат 17<sup>00</sup> ларда Яшнабод туман ИИБ ҲООБ 76-сонли МТПга хонадонингизда мулкингизни нобуд қилинганлиги ҳақида берган хабарингизга асосан олиб борилган терговга қадар текширув ишлари тамомланди.

Олиб борилган терговга қадар текширув натижаларига кўра, 2015 йил 5 август куни хонадонингизда содир этилган ҳодисада Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноят аломатлари формал жиҳатдан мавжуд бўлса-да, қилмишни содир этган ака-ука вояга етмаган Алишер ва Фарҳод Усмоновлар ижтимоий хавfli қилмиш содир этган пайтда жинoий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги ва жиноят субъекти бўла олмаслиги, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланиб, жиноят таркиби йўқ деб топилганлиги боис жиноят ишини қўзғатиш рад қилинди.

Шу боис, Сизга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 333-моддасига асосан, жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор устидан ушбу хабарномани олган вақтдан бошлаб прокурорга шикoят қилиш ҳуқуқига эга эканлигингизни маълум қиламан.

Бундан ташқари, вояга етмаган Алишер ва Фарҳод Усмоновлар томонидан етказилган моддий зарарни уларнинг ота-оналаридан ундириш учун Миробод туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эгасиз.

Профилактика инспектори  
капитан

(имзо)

С.А.Шокиров

Тошкент шаҳар М. Улуғбек  
тумани ИИБ бошлиғи,  
подполковник

**И.И.Ҳайдаровга**

1976 йилда туғилган, ўзбек,  
Ўзбекистон Республикаси фуқароси,  
маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар  
фарзанди бор, хусусий тадбиркор  
бўлиб ишловчи, судланмаган, Мирзо  
Улуғбек туман «Зулайхо» кўчаси  
18-уйда яшовчи Шомахмудов Фарход  
Дўсматовичдан

### **Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И**

Мен, Шомахмудов Фарход Дўсматович, юқорида кўрсатилган манзилда оилам билан яшайман. Ушбу иш бўйича қуйидагиларни маълум қиламан: 2015 йил 22 март куни тахминан 21<sup>30</sup> ларда ухлашга ётдим. Кечаси машиналарнинг гуриллаши ва одамлар шовқинидан уйғониб кетдим. Кўчага чиқсам, Раҳим аканинг уйи олдида видеокамера, фотоаппарат кўтарган, ит етаклаган одамларни кўриб ҳайрон бўлдим ва уларнинг олдига бордим. У ерда милиция ходимлари, Раҳим аканинг хотини Лола опа, қўшнимиз Холмирза акалар туришган экан. Шунда бир киши келиб ўзини терговчи деб таништирди, кейин у мендан воқеа жойини кўздан кечиришда холис сифатида қатнашимизни сўради. Мен рози бўлдим. Кейин ҳаммамиз Раҳим аканинг уйига кирдик. У ерда тез ёрдамдан келган врачлар бор экан, Раҳим аканинг аҳволи оғир бўлиб, врачлар унга укол қилишаётган эди. Терговчи билан биргаликда ҳамма хоналарни кўриб чиқдик, терговчи баённома тузди, биз имзо қўйдик. Терговчилар Раҳим аканинг уйидаги деразаларнинг синган ойналарида бармоқ излари, қон доғларига ўхшаш қизил доғлар, шунингдек ётоқхонадаги атир шишаларида ҳам шунга ўхшаш қизил доғлар борлигини аниқлашди ва уларни текшириб кўриш учун олишди. Мен ўшанда Раҳим аканинг уйига босқинчилар киришганини билдим. Асосан хотинининг тақинчоқларини олиб кетишибди. Бу ишларни кимлар қилганини билмайман.

Ушбу ҳолат бўйича менинг кўрган-билганларим шулардан иборат. Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ва аниқ ёздим.

Тушунтириш хатини ёзувчи  
2015 йил 23 март (имзо)

Ф.Д.Шомахмудов

Тушунтириш хатини олдим:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек  
туман ИИБ ҚООБ профилактика  
катта инспектори майор  
2015 йил 23 март

Ғ.С.Қаршиев

(имзо)

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – 40 б.

*Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 34.

*Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 56 б.

*Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза (2015 йил 6 декабрь) // POSTDA. – 2015. – № 49. – Б. 1–4.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 4. – 41-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 20 (104). – 230-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 39. – 390-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 22. – 173-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 221-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 49. – 578-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 49. – 611-м.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2014. – 736 б.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2014. – 504 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2014. – 504 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – № 2. – 23-м.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 13. – 154-м.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. – Т., 2000. – № 5. – Б.16.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 328-сонли «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2001 йил 28 декабрь буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 131-сонли «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2014 йил 1 сентябрь буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 72-сонли «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2015 йил 5 май буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 64-сонли «Ички ишлар органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2015 йил 19 апрель буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 82-сонли «Ички ишлар органларида «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2015 йил 10 май буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг «Ички ишлар идораларида жиноят ҳақидаги ариза, шикоят ва бошқа турдаги хабарларни қабул қилиш, ҳисобга олиш қайд этиш ва ҳал этиш тартиби» тўғрисидаги 1993 йил 5 январь (шунингдек, мазкур буйруққа ўзгартириш

ва қўшимча тариқасида 1996 йилнинг 17 июль куни қабул қилинган буйруқ) қўшма буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрда қабул қилган «Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 26 декабрда қабул қилган «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 120-сонли қарори.

*Алимов Ҳ.Р. ва бошқ. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик . – Т., 2003. – Б.117.*

## **МУНДАРИЖА**

**СЎЗ БОШИ.....3**

### **I. ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

- 1.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тушунчаси, турлари, уларни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби.....6
- 1.2. Профилактика инспекторлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари кўриб чиқилишининг таъминланиши.....27
- 1.3. Профилактика хизматларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар.....37

### **II. ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

- 2.1. Профилактика хизматларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятининг мазмун-моҳияти ва ушбу фаолиятда қатнашувчи шахсларнинг тутган ўрни.....53
- 2.2. Профилактика хизматларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятида далиллар ва турлари.....62
- 2.3. Профилактика хизматларининг мурожаатларга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти.....76
- 2.4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш.....90
- ИЛОВАЛАР.....94**
- Фойдаланилган адабиётлар.....116**

**Сиёвуш Бахтиёрович ХЎЖАҚУЛОВ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА  
ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК  
ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ  
ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

*Ўқув қўлланма*

*Муҳаррир Б. А. Яров*  
*Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

---

Босишга рухсат этилди 01. 02. 2016. Нашр-ҳисоб табағи 7,5.  
Адади 20 нусха. Буюртма №

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68